Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 171 (3672)
29 ШАНБА
ИЮЛЬ 1978 Й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЖУРНАЛИСТЛАРНИНГ ЭНГ МУҲИМ БУРЧИ

Ўзбекистон Журналистлар союзининг 28 июль куни бўлиб ўтган пленумида республика журналистларининг КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленумининг қарорларини пропаганда қилиш ва уларнинг бажарилишини уюштириш соҳасидаги вазифалари муҳокама қилинди. Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Й. Р. Қурбонов доклад қилди.

Докладчи ва сўзга чиққан нотиқлар, партия Марказий Комитети Пленумининг материалларини, ўртоқ Л. И. Брежнев докладида баён этилган қонда ва хулосаларни чуқур тушунтириш, ҳозирги шароитда партия аграр сиёсатининг моҳиятини, қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришни бутун чоралар билан кўпайтириш соҳасида мамлакат, республика олдида, ҳар бир коллектив олдида турган амалий вазифаларни меҳнатқашларнинг аниқ-равшан билиб олишларини таъминлаш—оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг энг муҳим бурчи эканлигини таъкидладилар.

Газета саҳифаларида, телевидение ва радиоэшиттиришларида КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг материалларини пропаганда қилиш кампания усулида ўтказиладиган иш эмас. Истиқболни аниқ ҳисобга олиб, яхши ўйлаб ва планли равишда иш олиб бориш, принципиал характерда бўлган ва экономика, социал ҳаёт, маданий қурилишнинг актуал проблемаларини маҳорат билан ишлаб чиқишга қаратилган материалларни тайёрлаш керак.

Журналистлар ўзларининг бутун фаолияти билан пахтачиликни муттасил юксалтиришга, «оқ олтин» сифатини оширишга, пахтанинг энг қимматли ва истиқболли навларини, хусусан ингичка толали пахта навларини жорий этишга ёрдам беришлари лозим. Редакцион планларда ерларни кенг кўламда мелиорациялаш, комплекс механизациялаш, химиялаш, деҳқончилик маданиятини бутун чоралар билан юксалтириш, фаннинг энг янги ютуқларини ва илғор тажрибани жорий этиш каби мавзулар муҳим ўрин олиши керак.

Қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш қишлоққа доир мавзулар билангина чекланиб қолиши мумкин эмас. Бундай ғамхўрлик партия аграр сиёсатининг амалий масалаларини ҳал этадиган саноат корхоналари, илмий муассасалар, лойиҳа ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг ишларини маҳорат билан кўрсатиб беришни кўзда тутади. Ўзбекистоннинг қишлоқ меҳнатқашлари беш йилликнинг зарбдор учинчи йилида олган юксак социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун мусобақани кенгайтириш республика журналистларининг биринчи навбатдаги бурчидир.

Пленумда Ўзбекистон журналистларининг Бутуниттифоқ ва республика ижодий конкурсларида иштирок қилиши билан боғлиқ бўлган масалалар кўриб чиқилди.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов қатнашди.

(ЎзТАГ).

Республикамизнинг кенг пахтазорларида «оқ олтин»дан улкан хирмон яратиш учун қизғин кураш кетяпти. Колхоз ва совхозларнинг устахоналарида пахта йиғим-теримида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган куч—техникани ремонт қилиш ишлари поёнига етказилмоқда. Ғаллазорларда эса, ғалла ўрим-йиғимни ҳам охирлаб боряпти. Чорвадорлар ҳам, боғбонлар ҳам, сабзаворкорлар ҳам беш йилликнинг учинчи йилини катта муваффақиятлар билан нишонлашга аҳд қилишган.

Мана шу катта ишларда қишлоқ меҳнатқашларига шаҳардаги меҳнат коллективлари актив ёрдам кўрсатмоқдалар. Улар «Ўрок ва Болға» иттифоқи анъаналарини давом эттиришиб, колхоз ва совхозларга ўз мутахассисларини юборишмоқда, техникани, материал воситаларини пешма-пеш етказиб бермоқдалар. Шу тариқа қишлоқ ва шаҳар меҳнатчилари КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) Пленуми ва шунингдек, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг X пленуми қарорларига амалий жавоб бермоқдалар.

Шу кунларда шаҳар машинасозлари ва саноат ходимлари олдига ҳам муҳим ва масъулиятли вазифалар қўйилган. Уларнинг бурчи—қишлоққа кўплаб янги техника етказиб бериш, колхоз ва совхозларга оталиқ ёрдамини кучайтиришни таъминлашдан иборат.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ИЮЛЬ (1978 йил) ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ—ҲАЁТГА

Қишлоққа—самарали ёрдам

- ТРАКТОРСОЗЛАР ПАРТИЯ ҒАМХЎРЛИГИГА ЗАРБДОР МЕҲНАТ БИЛАН ЖАВОБ БЕРМОҚДАЛАР
- ЯНГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКАСИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЎПАЙТИРАЙЛИК
- ОТАЛИҚ АЛОҚАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

«ЗАНГОРИ КЕМА» КАПИТАНЛАРИ ЎҚУВИ

РЕПОРТАЖ

Менга Тошкентдаги 3-таксопарк территориясида пахта териш машиналари турганлигини айтишганида ишонмагандим. Нима учун бу ерга бундай техника зарур бўлиб қолди? Уларнинг жойи пахтачилик хўжаликларида-ку...

Бироқ, худди шундай бўлиб чиқди. Пассажир таксопарки майдонида пахта териш машиналари саф тортиб турарди. Уларнинг атрофида одамлар гирдикапалак бўлиб юришибди. Баъзилари штурвалга ўтиришар, баъзилари эса шпинделларни кўздан кечиришарди. Яна бири бу мураккаб механизмнинг агрегат ва узелларининг маҳкамлигини кўздан кечирмоқда. «Зангори кема»ларни бошқариш ва уларнинг материал қисмларини ўрганиш бўйича машғулотлар бошланди.

— Бу киши қишлоқ хўжалик машиналари бўйича бизнинг инструкторимиз Виктор Николаевич Орлов. — дейди 3-таксомотор парки директори Ҳ. Иброҳимов. — У бизнинг шоферларимизни пахта териш машиналарида ишлаш учун тайёрламоқда. Пахта йиғим-теримида қатнашишни хоҳловчи ўнлаб шоферлар қишлоққа жўнаб кетишади. Аммо баъзи фақат ишлаб чиқариш илғорларини, пешқадамларининг пешқадамларини танлаб олдик. Ҳозирда 30 нафар шофер ўқитилди. Булар қишлоқ хўжалиги ишларини тушунадиган кишилардир. Улар илғари ҳам Жиззах области пахтазорларида жавлон уриниб, яхшигина кўрсаткичларга эришган эдилар. Бугунги кунда улар ўзларининг назарий билимларини янада чуқурлаштирдилар, амалий тажрибасини бойитдилар.

Коммунист Раҳмат Муҳамедов Охунбобоев номли 30-«а» совхозидаги мавжуд техникани ремонт қилиш ва пахта йиғим-теримида актив иштирок этиш ташаббуси билан чиққан эди. У йилнинг бошида ўз зиммасига социалистик мажбурият қабул қилиб, йиллик пассажир ташиш планини 8 ойда бажаришга, 1 тонна бензинни тежаб қолишга ва пахта йиғим-теримида оталиқдаги хўжаликка бориб машина билан камида 180 тонна «оқ олтин» териб беришга, пахта йиғим-теримидан сўнг эса, «Зангори кема»ни 1979 йил ҳосили учун тайёрлашга сўз берганди.

— Раҳмат Муҳамедовнинг ташаббусини кўплаб қўллаб-қувватлаш д и. В. Орлов, Р. Ўрунов, С. Киско, В. Малюченко ва бошқалар шулар жумласидандир. Июль ойида 18 нафар шофер Жиззах областининг Октябрь районидаги Охунбобоев номли совхозга жўнаб кетишганди. Қисқа муддатда илғор шоферлар ўнлаб пахта териш машиналарини ва 40 та трактор прицепларини ремонтдан чиқариб беришди.

Ҳозирги кунда таксомотор паркининг олти нафар шофери совхозда меҳнат қилмоқда. Улар қишлоқ хўжалик машиналарини ҳосилни йиғиб-териб олишга шайлашяпти.

...Таксомотор паркининг директори Ҳ. Иброҳимов майдонда турган пахта териш машиналари ёнига яқинлашиб, машиналарнинг агрегат ва узелларини кўздан кечириб чиққач, бизга юзланди.

— Бу ерда фақат ўқув программаси ўтилмай, балки техника ремонти ҳам амалга ошириляпти. Олтита машина тўла ремонтдан чиқарилди. Тўрттаси эса ремонтдан чиқиш арафасида турибди. Фақат бункерларни ўрнатиш ва уларни бўяш ишлари қолди, холос. Бир ҳафтадан сўнг барча ўнта машина тайёр ҳолга келтирилди. Пахта йиғим-терими бошланганда эса бизнинг шоферларимиз уларни пахтазорларга олиб чиқишади. Пахта йиғим-теримидан сўнг бу машиналар яна паркимизга олиб келинади. Бу ерда улар техника кўригидан ўтказилиб, зарур ремонтдан чиқарилади. Ана шундан сўнг машиналар 1979 йил ҳосилини йиғиш мавсумигача консервацияга чўйилади.

Пахта териш машиналари билан бирга янги ПАЗ-651 автобуси ҳам майдонда тобланиб турибди. Уни сидқидилдан тайёрлаганлиги кўринаб турибди. Ҳ. Иброҳимов машинани айланиб чиқиб қўшимча қилди:

— Бу автобус биздан колхозга совға. Бу машина ҳисобдан ўчган эди. Бизнинг мутахассисларимиз унинг ҳамма узел ва агрегатларини капитал ремонтдан чиқаришиб, автобус салонида зарур жиҳозларни ўрнатишди ва ремонт қилишди. Автомашинани — «Кўчма техника ёрдами» деб атадик. У пахта йиғим-теримида пахтазорларда ишдан чиққан техникани ремонт қилиш учун мўлжалланган.

В. ТИТОВ,
2521 - автоколоннанинг катта инженери.

СУРАТДА: автомобилчилар пахта териш машиналарининг қисмларини ўрганишмоқда. **Автор** фотоси.

ИШЧИЛАР ПАРТИЯНИНГ АГРАР СИЁСАТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДА

ТОШКЕНТ ТРАКТОРСОЗЛАРИ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1978 ЙИЛ ИЮЛЬ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРЛАРИГА АМАЛИЙ ИШ БИЛАН ЖАВОБ БЕРМОҚДАЛАР

КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленумининг қарорлари совет кишиларининг ижодий ғайрат-шижоатини янада ошириб юборди. Пленум қарорлари Тошкент трактор заводининг коммунистлари, барча меҳнатқашлари учун ҳам буюк ишларнинг илҳомбахш программаси бўлиб қолди. Бригада, участка, цехларнинг коллективларида ишни қай тариқа яхши ташкил этиш, резервлардан тўлароқ фойдаланиш тўғрисида қизғин гаплар бормоқда. Партия комитетига шу кунларда ишчилар, инженерлар, конструкторлардан ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишга қаратилган таклифлар тушмоқда. Кўпгина меҳнат коллективлари, новаторлар оширилган социалистик мажбуриятларни қабул қилмоқдалар. Омманинг актив ташкилотчилари ва мураббийлари бўлмиш коммунистлар ҳар бир ишда муносиб намуна кўрсатмоқдалар. Цех партия ташкилотлари, партия группалари аҳиллик билан ишлаш ва ижодий изланиш вазнятини вужудга келтириш ҳақида, илғорларнинг тажрибасини кенг ёйиш тўғрисида ғамхўрлик қилмоқдалар, мусобақада қатнашувчи барча кишиларнинг янада юксак маҳсулларга эришувлари учун ёрдам бермоқдалар.

28 июль куни трактор заводи партия ташкилотининг йиғилиши бўлди. Бу йиғилишда корхона коммунистларининг, кўпминг кишилик коллективининг партия Марказий Комитети июль Пленумининг қарорларидан, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг «СССР қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисида»ги докладидан келиб чиқадиган вазифалари муҳокама қилинди. Йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов доклад қилди.

Июль Пленумининг тарихий аҳамияти шундан иборатки, деб таъкидлади Ш. Р. Рашидов, у мамлакат қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, бу соҳани социалистик экономиканинг юксак даражада ривожланган секторига айлантиришнинг илмий жиҳатдан асослаб берилган программасини ишлаб чиқди. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг чуқур далиллар келтирилган ёрқин докладида Коммунистик партиянинг ҳозирги босқичда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасидаги сиёсати ва амалий фаолияти марксча-ленинча ҳар томонлама анализ қилинди, қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришнинг асосий йўллари ва конкрет тадбирлари белгиланди.

Барча совет кишилари қатори Ўзбекистон ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари, халқ зиёлилари ҳам Пленумнинг қарорларини қизғин маъқулладилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ишида бўлиб ўтган X пленуми бу қарорларни оғишмай бажариш учун дастур деб қабул қилди.

Шу пленумнинг қатнашчилари ўз мамнуният билан қуйидагиларни таъкидлаб ўтдилар: КПСС Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси ва шахсан Леонид Ильич Брежневнинг доимий ёрдами, эътибор ва ғамхўрлиги туфайли республиканинг қишлоқ хўжалиги КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март Пленумидан кейин барқарор ва юксак суръатлар билан ривожланди. Бу эса КПСС ленинча аграр сиёсатининг илмий жиҳатдан асослаб берилганлигини ва ҳаётий кучини яққол исбот этади.

Июль Пленуми партия аграр йўлининг давомийлигини таъкидлаб, мамлакат қишлоқ хўжалиги олдига ва бутун аграр саноат комплекси олдига янада мураккаб, масъулиятли вазифаларни қўйди. Партия қишлоқ хўжалигига тобора кўпроқ маблағ ажратиш, бу маблағларни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаштириш асосий йўналишларига — дала ишларини механизациялаш, ерларни химиялаш ва мелорациялашга сарфлаш йўлини бундан буён ҳам изчил амалга ошираверади.

Қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш юзасидан Марказий Комитетнинг июль Пленуми илгари сурган вазифаларни муваффақиятли амалга оширишда трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналари алоҳида роль ўйнайди. Донғи кетган пахтакорларимиз 1980 йилда давлатга 6 миллион тонна пахта топширамиз, деб ваъда бердилар. Улар ўзлари учун шундай юксак маррани белгилаб, саноат корхоналарининг коллективлари қишлоқ хўжалик техникасини, шу жумладан, юқори унумли кучли тракторларни ишлаб чиқаришни кўпайтирадилар, деб умид боғлайдилар. Бу эса пахта етиштиришни комплекс механизациялашни тугаллаш имконини беради.

Ҳозирги вақтда Тошкент трактор заводини реконструкция қилиш соҳасидаги ишлар ҳажми белгилаб олинган. МТЗ-80Х маркали тракторлар ишлаб чиқариш қуввати йилига 35 мингтагача ошириш кўзда тутилди. 50 минг тонна чўян ва 35 минг тонна пўлат қуйиш мўлжалланди. Шу мақсадда трактор заводи қурилиши бўйича ихтисослаштирилган трест — «Таштракторстрой» ташкил этилди. Корхонанинг Ленинск шаҳри ва Коммунистик районидаги филиаллари ҳам тобора ривожлантирилади.

Докладчи заводнинг ишини ҳар томонлама анализ қилиб, йиғилиш қатнашчиларининг диққат-эътиборини бир меъёрда ишлаш, маҳсулотнинг сифатини яхшилаш, тирдош цехларнинг ишини мувофиқлаштириб олиб бориш, техника ва ҳом ашёга талабкорлик билан муносабатда бўлиш, каттик тежамкорлик каби ғоят муҳим проблемаларга жалб этди. Шу учинчи ўн кунликда заводда бутун маҳсулотнинг ярми ишлаб чиқарилмоқда, бу нормал бир ҳол эмас албатта.

Пахтакорлар энг яхши майдонларга Сифат белгиси бериш тўғрисидаги ташаббусини кўтариб чиқдилар. Бундай далада Сифат белгисига сазовор бўлган машина-механизмлар ҳам ишлаганда жуда яхши бўлур эди. Завод коллективи ҳозир МТЗ-80Х маркали тракторни расаматга келтириш билан банд. Корхонанинг ишчилари ва инженерлари бу тракторга фахрли беш бурчак беришга албатта эришмоқ учун ҳозирнинг ўзидаёқ ҳамма ишни яхши йўлга қўйишлари лозим.

Докладчи яна бундай деди: корхонанинг бир минг кишидан ортиқ коммунистлар отряди кенг кўламда олиб бораётган ташкилотчилик ва сиёсий иш завод коллективининг зўр ғайрат билан қилаётган меҳнатида яққол кўриниб турибди. Партия ташкилоти ишлаб чиқаришга доир энг муҳим вазифаларни, кишиларни тарбиялаш масалаларини жанговарлик, сабот-матонат билан ҳал этмоқда. Партия ташкилотининг завод ҳаётига тааллукли энг муҳим проблемаларга ҳам жуда катта эътибор бераётганлиги тракторсозларнинг меҳнат зафарларини кўп жиҳатдан белгилаб беради. 140 дан ортиқ ишчи беш йилликнинг уч йили топшириқларини бажарди. Токарь Г. П. Соловьев ва парҳаловчи В. М. Балина беш йиллик топшириқларини 2,5 йил ичида муваффақиятли бажардилар. Созловчи М. Туропов, парҳаловчилардан А. В. Федюшина, М. Абдурахмонова, токарь М. Тешабоев, темирчи Г. С. Баконовский, фрезерчи С. Юнусов, чархловчи А. Турдибоев, мастер А. Абдураззоқов, диспетчер А. М. Шутко, токарь А. Ф. Кутрановалар ўзларининг намунали меҳнати билан ҳамманинг иззат-ҳурматига сазовор бўлдилар. Завод партия комитети, цех партия ташкилотлари кадрлар билан ишлашни доим яхши йўлга қўйишлари, уларда ўз фаолияти натижаларига объектив, танқидий баҳо бериш ҳислатларини оширишлари керак. Коллективда ишлаб чиқаришнинг яхши ташкилотчиларини сабот билан қидириб топиш ва ўстириш, кишиларни максус билимлар билан, хўжалик юритиш ва бошқаришнинг замонавий методлари билан қуроллантириш керак.

Ш. Р. Рашидов ишончи билдириб айтдики, Тошкент трактор заводининг ишчилари, ҳизматчилари, инженер-техник ходимлари КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қарорларига жавобан партия ташкилоти раҳбарлигида партиянинг улуғвор планларини амалга ошириш учун ҳамма чораларни кўрадилар ва бу билан КПСС XXV съездининг тарихий қарорларини амалга оширишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Йиғилишда сўзга чиққан цех бошлиғи А. П. Казаков, парҳаловчи М. М. Абдурахмонова, цех партия ташкилотининг секретари А. В. Нектовенко, созловчи Н. И. Кадков, комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи, ВЛКСМ XVIII съездининг делегати В. С. Зайцев, завод директори П. Н. Мирзаахмедов, КПССнинг доно аграр сиёсати ҳақида, Тошкент тракторсозлари партиянинг Ватанни янада яшнатиш, совет кишиларининг фаровонлигини ошириш тўғрисидаги ғамхўрлигига зарбдор меҳнат билан жавоб беришга астойдил интилаётганликлари тўғрисида гапирдилар. Йиғилишда Ўзбекистон ССР қурилиш министри С. А. Омеров нутқ сўзлади.

Завод коммунистлари эришилган муваффақиятларни таъкидлаб, асосий диққат-эътиборни мавжуд резерв ва имкониятлардан фойдаланиш соҳасидаги ишларни кучайтиришга қаратдилар.

Йиғилишда меҳнат унумдорлигини, ишлаб чиқарилаётган трактор ва прицепларнинг сифатини ошириш, ишга туширилаётган қувватларни муддатидан илгари ўзлаштириш, энергия билан кўпрок таъминланган янги тракторларни ишлаб чиқариш масалалари амалий муҳокама қилинди.

Завод коммунистлари КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда қилган докладида баён этилган қонда ва хулосаларни тўла-тўкис маъқуллаб, уларни огишмай бажариш учун дастур деб қабул қилдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин. Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. А. Ҳўжаев қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

ШАРТНОМАДА КЎРСАТИЛГАНИДЕК


Пахтакор районидаги «Пахтакор» совхози деҳқонлари билан биргаликда уларга оталиқ қилувчи Тошкент экспериментал санитария-техника жиҳозлари заводи коллективининг ҳам пахта йиғим-теримига тайёргарлик кўриши одат тусига кириб қолди. Завод ахли шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажара бориб, бу йил иккита дала шийпонини капитал ремонтдан чиқариб берди. Шунингдек, қишлоқ хўжалик техникаси ремонти бўйича мутахассислар «Зангори кема»ларнинг бир қисмини теримга шай қилишга яқиндан ёрдам бердилар.

Хўжалик учун айниқса пахта йиғим-терими мавсумида зарур бўладиган материал ва техникадан жами 18 минг сўмлиги деҳқонларга жўнатилди.

ЭНГ ЯХШИ АВТОБУСЛАР—ДАЛАГА

«Главташпассавтотранс»нинг 7-автопарки ҳайдовчиси И. Сулаймонов яқинда масъулиятли командировкадан қайтиб келди. У бир ойдан ортиқ вақт мобайнида ўзининг «ПАЗ—695» автобусида Жиззах областидаги Тимошенко номли совхоз ишчиларини пичан ўришга олиб борди. Совхоз ишчилари тажрибали ҳайдовчининг меҳнатини юқори баҳолашди.

Ҳозир 7-автопарк коллективи пахта йиғим-теримига тайёрланяпти. Бу масъулиятли даврда ўнлаб автобуслар Жиззах областининг Арнасой ва Октябрь районлари далаларида қатнаб, механизаторларга хизмат кўрсатади. Бундан ташқари автопарк томонидан шошилинч ремонт ишларини бажариш учун иккита сиёсий машинаси ажратилади. Бу машиналарга энг тажрибали, юксак малакали мутахассислар хизмат кўрсатади.



ЗОМИНЛИКЛАРГА МАДАД БЕРИБ

Жиззах область Зомин районида механизаторлар билан «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ўртасида дўстлик алоқалари мустаҳкамланиб бормоқда. Тошкентликлар чўлқуварлар ҳузурида тез-тез бўлиб турибди. Улар район пахтакорлари ва ғаллакорларига оталиқ ёрдами кўрсатишмоқда. Бадастлик алоқалари ҳорда улар экиш-тикиш ва дағал хашак ўриш техникасини ремонт қилишда ёрдам беришса, ёзда эса ғалла ва пахта йиғим-терими қатнашишади.

Биз оталиқдаги хўжаликка қурилиш материаллари, эҳтиёт қисмлар, асбоб-ускуналар, кислоталар, гидропневматик аппаратлар етказиб беришда ёрдам бераяпмиз,— дейди бирлашма касаба союз ташкилоти раиси А. Рябченко.— Қишлоқ хўжалик техникасини ремонт қилиш бўйича ҳам катта ҳажмдаги ишларни амалга оширдик.

Кунни-кеча Зомин районидаги «Ударник» совхозидан минаторчилик мактуби келди. Унда бу йил ғалла ўрим-йиғими учун техниканн тайёрлаб беришда фидокорона ёрдам берганлиги учун чўлқуварлар слесарь-монтажчиларимиз В. Берковский ва Я. Гершович номига миннатдорчилик билдиришган. Бешинчи разрядли бу мутахассислар хўжаликда бир ойдан кўпрок бўлиб, пайвандлаш, ускуналарни созлаш ишларида ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Бирлашманинг кенг залли деворида яқинда «Чақмоқ» пайдо бўлди. Унда бирлашма ишчиларининг ғалла ўрим-йиғимига қўшган ҳиссалари ва районнинг ғалла сотиш бўйича давлат планини муддатидан илгари бажарганлиги қайд этилган.

«Совхозимизга яна келинглар, —деб ёзишибди тошкентлик дўстларига чўлқуварлар.—Яқин орада пахта далалари бўйлаб машиналар жавлон уради. Биз ишонамизки, албатта сизлар «оқ олтин»ни териб олишда яқиндан ёрдам берасиз».

Ҳа, «Технолог» меҳнатчиларига бундай ишонч биринчи марта билдирилмаяпти. Бу йил ҳам улар «оқ олтин»ни териб олишда яқиндан ёрдам беришади.

Б. АКСАНИЧ,
«Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг катта инженери.

РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИ

Ҳамза район партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари ташкилий масаланн кўришди. Б. В. Ефремов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан район партия комитетининг иккинчи секретари ва бюро аъзоси вазифасидан озод қилинди. Г. Г. Внучков Ҳамза район партия комитетининг иккинчи секретари ва бюро аъзоси қилиб сайланди.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари А. А. Ҳўжаев қатнашди ва сўзга чиқди.

МЕТРОЧИЛАРГА ЮКСАК МУКОФОТ

Тошкент метрополитенининг коллективи беш йилликнинг учинчи йилини зарбдор меҳнат билан нишонламоқда. Шу йилнинг фақат ўтган олти ойи давомида «Зангори экспресслар»да бир ярим миллиондан знёд йўловчи ташилди. Коллектив «Колокларсиз ишлайлик» ташаббусини кенг қўллаб-қувватлаётганлиги, топшириқларни муддатидан илгари бажариш учун мусобақа авж олганлиги туфайли ана шундай муваффақиятларга эришилмоқда.

Куни кеча Москвадан хушхабар келди— коллективга СССР Темир йўллар министрлиги ва темир йўл тоачспорти ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи берилибди. Тошкент метрополитенининг механизаторлари Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг 1978 йил иккинчи квартали якунларига кўра ана шундай юксак мукофотга сазовор бўлдилар.

План топшириғи 106,2 процент бажарилди, 12,6 миллион йўловчи ташилди, йўловчиларни ташиш таннархи 5,8 процентга камайтирилди — аҳил коллективнинг иккинчи кварталдаги ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ана шундай. Бу ерда электр поезди машинистлари А. Конюшенко ва Г. Гонцов, йўл монтёри О. Йўлдошев, йўл алоқаси электр механиги А. Газизов электромонтёр Ю. Павлухин, «В. И. Ленин майдони» станцияси бўлимча навбатчи Р. Жўраев каби ишлаб чиқариш илғорларининг номини ҳурмат билан тилга оладилар. Социалистик мусобақада пешқадамлик қилаётган ана шу илғорлар ҳамкасбларига ўрнак бўлишмоқда.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

⊙ Ўртоқ Л. И. Брежневнинг ёшлар ва студентларнинг «Антиимпериалистик бирдамлик, тинчлик ва дўстлик учун» XI Жаҳон фестивали қатнашчиларига табриги эълон қилинган.

⊙ Учишни бошқариш маркази хабар қилади: «Салют—6»— «Союз — 29» — «Прогресс—2» орбитал илмий-тадқиқот комплексининг экипажи белгиланган учиш программасини бажаришда давом этмоқда. Владимир Коваленок билан Александр Иванченков ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар.

ФУТБОЛ

Тошкентнинг «Пахтакор» командаси кеча мамлакат биринчилигининг навбатдаги турида Москвада МАСК жойлективидан 3:1 ҳисобида мағлубиятга учради.

Тўпларни 12 ва 37-минутларда Назаренко, 27-минутда Баканов ва 44-минутда Тарханов киритдилар.

Учрашувда узоқ танаффусдан сўнг В. Федоров яна майдонга тушди.

ЛЕНИН ЙЎЛИДАН, ҒАЛАБА ЙЎЛИДАН

РСДРП II съезднинг 75 йиллигига

Совет халқи Коммунистик партия раҳбарлиги остида коммунизм ғалабаси сари комил ишонч билан олға бормоқда. Совет кишиларининг КПСС XXV съезди қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини амалга ошириш соҳасидаги яратувчилик ишлари Ватанимиз куч-қудратини ошириб, илгарилаб бораётган ҳаракатимизни жадаллаштирмоқда. КПСС фаолияти мислсиз бой ва ранг-барангдир. Унинг тажрибаси бутун тараққийпарвар инсониятнинг мулки бўлиб қолди. Биз ҳозир 75 йиллигини нишонлаётган РСДРП II съезди КПСС тарихида муҳим ўрин тутади. «Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг қаҳрамонона тарихида шундай воқеалар борки, улар ишчилар ва бутун революцион озодлик ҳаракати тараққиётида бурилиш босқичлари ҳисобланади. РСДРПнинг II съезди худди ана шундай воқеалар жумласидандир», деб таъкидлаган эди КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. А. Суслов.

Ленин—ишчилар синфи партиясининг ташкилотчиси

В. И. Ленин Россиядаги марксистлардан биринчи бўлиб пролетариатнинг гегемонлиги ғоясини ҳамда чоризмни ағдариб ташлашнинг асосий воситаси бўлган ишчилар синфи билан деҳқонларнинг революцион иттифоқи ғоясини илгари сурди. Ленин илғор ишчиларни барча эзилганларнинг раҳбари бўлган пролетариатнинг тарихий ролини тушунишга руҳида тарбиялади, Россияда революцион бўрон яқинлашиб келаётганлигини ғоят зийраклик билан олдиндан кўради. «Тарих ҳозир бизнинг олдимизга, —деб ёзган эди В. И. Ленин, — яқин орадаги вазифани кўндаланг қилиб қўйди, бу вазифа бошқа ҳар қандай мамлакат пролетариатининг ҳамма энг яқин вазифаларидан ҳам энг революцион вазифадир. Бу вазифанинг амалга оширилиши... рус пролетариатини халқаро революцион пролетариатнинг авангардига айлантиради».

Тарихий тажриба шуни кўрсатдики, ишчилар синфининг барча социал жанглари, шу жумладан пролетариатнинг Париж Коммунаси сингари йирик чиқиши аввало шунинг учун мағлуб бўлдики, бу жанг ва чиқишларга чинакам революцион марксистик партия бошчилик қилмаган эди.

Ленинча «Искра» газетаси Россияда марксистик партияни ташкил этишда жуда катта роль ўйнади. Газета уч йил мобайнида тарқоқ социал-демократик группаларни бирлаштириш юзасидан зўр бериб иш олиб борди. В. И. Ленин «Искра» газетасида босилган мақолаларида ва «Нима қилмоқ керак!» деган китобида ишчилар синфи революцион ташкилотининг олий формаси бўлган партия тўғрисидаги ишчи таълимотни яратди, партиянинг назарий ва ташкилий асосларини, большевизмнинг стратегия ва тактикасини, партия турмуши нормаларини ва партия раҳбарлигининг принципларини ҳар томонлама ишлаб чиқди.

Партия тузиш учун кураш тарихида В. И. Ленин томонидан Петербург «Ишчилар синфини озод қилиш учун кураш союзи» ва 1898 йил март ойида Минск шаҳрида бўлиб ўтган РСДРПнинг I съезди муҳим ўрин эгаллайди. Бироқ бунда Россиядаги социал-демократик ташкилотлар тарқоқлигича қолаверди. Ягона, ғоявий-ташкилий жиҳатдан жипслашган партияни вужудга келтириш вазифаси еслида ҳал қилинмаган эди.

Большевиклар партиясининг ташкил топиши

РСДРПнинг II съезди ўз ишини 1903 йил 17 (30) июлда Брюсселда бошлади ва 10 (23) августда Лондонда тамомлади. РСДРПнинг II съезди Россия ва халқаро ишчилар ҳаракати ривожланишининг бурилиш нуқтаси бўлди. Съезд омбор биносида бўлиб ўтди. Делегатлар яхшилаб силлиқланмаган деғал тахталардан ишланган скамейкаларда ўтиришларига тўғри келди, стуллар эса президиумдагина бор эди, холос, деб эслайди съезд делегатларидан бири. Лекин орадан кўп ўтмай бундай шароитга ҳеч ким эътибор бермади. Съезднинг бошланишидаёқ унда ўткир мафкуравий кураш бошланиб кетди.

Партия Устави ва программасини муҳокама қилиш вақтида съезд делегатлари турли группаларга ажралиб кетдилар. В. И. Ленин марксистик партиянинг мақсадлари ҳамда вазифалари тўғрисидаги аниқ ва равшан программе билан сўзга чиқди. Съездда бўлган 37 та мажлиснинг ҳаммасида В. И. Ленин 110 марта сўзга чиқди. «Ленин нутқининг кучи, маънодорлиги, ўзига хос оддийлиги, унда ҳар қандай «безаклар»нинг йўқлиги, Лениннинг ҳаддан ташқари ҳотиржам туриши ва табассуми, унинг кишилар билан муносабатларда ниҳоятда оддийлиги, унинг қандайдир зўр қизиқиш, лаззатланиш, ишга завқ-шавқ билан берилиб кетиши...— буларнинг ҳаммаси «Искра»га бошчилик қилаётган ва биз биладиган олти киши орасида Ленинни алоҳида ажратиб турар эди», деб ҳикоя қилади съезд делегати С. И. Гусев.

РСДРПнинг II съезди партиянинг чоризмни ағдариб ташлашга мўлжалланган чинакам революцион программасини муҳокама қилди ва қабул этди. «Бу социал революциянинг зарур шарти, — дейилган эди партиямизнинг биринчи программасида,— пролетариат диктатураси, яъни пролетариатнинг ҳар қандай эксплуататорлар қаршилигини енгишига имкон берадиган сиёсий ҳокимиятни эгаллаб олишдан иборатдир». Бундай вазифа ўша вақтда мавжуд бўлган социал-демократик партияларнинг бирорта ҳам программасида илгари сурилмаган эди.

II съезд пролетариатнинг демократик ва социалистик ўзгаришларни амалга оширишдаги раҳбарлик ролини асослаб бериш билан бирга унинг иттифоқчилари тўғрисидаги масалани ҳам ижобий тарзда ишлаб чиқди, деҳқонлар ва эзилган миллатларга муносабатларда чинакам марксистик революцион сиёсатни белгилаб берди. Ленин таълим берганидек, ишчилар синфи борча демократик кучларни ва капитализмга қарши кучларни бирлаштириш маркази ва уларнинг йўлбошчиси бўлиши, демократик ва социалистик вазифалар учун курашни моҳирлик билан бирга қўшиб олиб бориши лозим эди.

В. И. Ленин аграр-деҳқонлар масаласига етарли даражада баҳо бермасликка кескин қарши чиқди, бу ҳол Ғарбдаги социал-демократия ва Россия оппортунистлари учун ҳарактерли эди. Съезд Ленин ишлаб чиққан программани қабул қилди, бу программа пролетариатни кўп миллионли деҳқонлар оммаси билан революцион иттифоқ тузишга йўналтирар эди.

Съездда миллий масала юзасидан ҳам кескин мунозара авж олиб кетди. Кўп миллатли Россия учун миллий масала катта аҳамиятга эга эди. В. И. Ленин янги партия миллий сиёсатининг ижодкори эди. У барча граждан-лар миллатидан қатъий назар тўла тенг ҳуқуқлилиги тўғрисидаги, барча миллатларнинг ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш, барча миллат кишиларининг ягона синфий ташкилотларга бирлашиш принципининг эътироф қилиш тўғрисидаги муҳим қоидани ривожлантирди. Ленин миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш деганда албатта ажралиб чиқиш ва мустақил давлат тузишни тушунар эди. Бу талабларни у ишчилар синфининг интернационал бирлигини таъминловчи воситалардан бири деб билар эди. Синфий жанглернинг боришн натижасида партия «...марказлашган, бир бутун жанговар ташкилот бўлиб» бош кўтариб чиқиши, «...тили ва миллати қандайлигидан қатъий назар... бутун пролетариатга таянишга лозим деб кўрсатиб ўтди.

РСДРПнинг II съездида ташкилий масала алоҳида аҳамият касб этди ва энг кескин тортишувларга сабаб бўлди. Бу тортишувлар оқибат-натижада искрачиларнинг большевиклар ва меньшевикларга ажралиб кетишига олиб келди.

Партия Уставининг Ленин таклиф қилган лойиҳаси партиянинг синфий жиҳатдан барқарор составини таъминлар, бекарор оппортунистик элементларнинг йўлини тўсиб қўяр эди. Оппортунистлар, хусусан Мартов ва бошқалар Уставнинг Ленин ишлаб чиққан лойиҳасига, айниқса унинг биринчи параграфига съездда зўр бериб ҳужум қилганликлари тасодифий эмас. Бу параграф партия аъзосидан партия ташкилотларидан бирининг фаолиятида шахсан қатнашишни талаб қилар эди. В. И. Ленин коммунист деган юксак ном тўғрисидаги, ишчилар синфининг илғор отряди бўлган партия ҳақидаги қоидани илгари сурди ва ривожлантирди.

Мартов ўз тарафдорлари ёрдамида ўз формуласини қабул қилдиришга муваффақ бўлди. Бироқ РСДРПнинг III съезди Уставдаги биринчи параграфнинг Мартов тақдим этган таърифини Ленин таърифи билан алмаштирди. Ленинниг таърифига кўра, РСДРПнинг II съезди ўзига хос бирдан-бир съезд бўлди, рус революцион ҳаракатининг бутун тарихи давомида мисли кўрилмаган воқеа бўлди.

Съезднинг асосий якуни Россияда революцион марксистик партияни, большевиклар партиясини ташкил этишдан иборат бўлди. Кейинчалик Ленин «большевизм сиёсий фикр оқими сифатида ва сиёсий партия сифатида, 1903 йилдан бери яшамоқда», деб тўла асос билан таъкидлаган эди.

Большевиклар партиясининг ташкил этилиши Россия ва халқаро ишчилар ҳаракатида янги босқични бошлаб берди. Пролетариат биринчи марта ўзининг социал-озодлик учун курашига муваффақиятли раҳбарлик қилишга қодир бўлган ташкилотга эга бўлди.

РСДРПнинг II съезди ва Тошкентда социал-демократик ҳаракат

РСДРПнинг II съезди ҳақидаги хабар тезлик билан кўпгина мамлакатлар ва қитъаларга ёйилди. Бу хабар Тошкентга ҳам етиб келди. РСДРП II съезди қарорларининг бевосита таъсири остида Тошкентда дастлабки социал-демократик тўгараклар пайдо бўлди. Бунга қадар, 1880 йилдаёқ Тошкентда бирмунча вақт Герман Лопатин яшаган эди. У I Интернационал Бош советининг аъзоси бўлиб, К. Маркснинг «Капитал» асарини рус тилига таржима қилган эди. Нолегал адабиёт тарқатганлиги ва «яширин жамиятлар»да қатнашганлиги учун К. А. Молчанов, М. Н. Васильев, С. А. Киселев, М. А. Веденяпин, В. Д. Корнюшин ва бош. қалар 1902 йилда полиция назорати остида Тошкентга сургун қилинган эдилер.

1903 йилда Туркистонда асосан Тошкент шаҳрида сиёсий сургун қилинганлардан 59 киши бор эди. 1904 йилда меньшевик А. Г. Зурабов (Белов) Тошкентга келди, у РСДРПнинг II съездида Ботуми комитетидан делегат бўлиб қатнашган эди.

Москва, Петербург ва бошқа социал-демократик ташкилотлар билан алоқада бўлиб турган сиёсий сургун қилинган кишилар нолегал адабиёт олиб туришган ва ишчиларни улар билан таништирар эдилар. 1902 йилда Тошкентда «Искра» газетасининг дастлабки сонлари пайдо бўлди. Тошкентга вақтли нашрлардан ташқари К. Маркс ва Ф. Энгельснинг асарлари ҳам кириб келди.

Чоризмнинг Туркистондаги сиёсати бу ерда йирик капиталистик саноатнинг вужудга келишига унчалик ёрдам бермади. Бироқ ўлкани мустамлака сифатида эксплуатация қилиш ва унинг ғоят бой хом ашё ресурсларидан қулайлик билан фойдаланиш мақсадида бу ерда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини дастлабки тарзда қайта ишловчи саноат корхоналари пайдо бўла бошлади. Туркистонда фабрика-завод саноатининг вужудга келиши унинг Россияга қўшилишининг энг муҳим иқтисодий оқибатларидан бири бўлди.

Тошкентда саноат пролетариатининг шаклланиши Туркистоннинг бошқа шаҳарларига нисбатан бирмунча тезроқ борди. Ишчилар синфининг асосий қисмини пахта тозалаш ва ёғ заводларининг ишчилари ҳамда темирйўлчилар ташкил этар эди.

Большевик В. Д. Корнюшин Тошкентда дастлабки социал-демократик тўгарак ташкил этди, бу тўгарак темирйўлчилар орасида асосий ишларни олиб борди. Тўгаракка социал-демократлар ва социалист-революционерлар киришди. Бу ҳол большевиклар ишига тўсқинлик қилар ва РСДРП II съезди қарорларига зид эди. 1905 йилнинг мартида Тошкент социал-демократлари эсерлардан ажралиб чиқишди ва мустақил равишда иш кўра бошлашди.

Буларнинг ҳаммаси партиянинг II съездидан кейин Тошкент Россиянинг шарқида революцион курашнинг энг йирик маркази бўлиб қолганлигидан далолат беради.

Биз интернационалистлармиз

Коммунистик партия социализм ғалабаси учун кураш тарихий муваффақиятларга эришди ва эришиб келмоқда, СССР ва чет эл мамлакатларидаги халқ оммасининг зўр эътиборига сазовор бўлди, чунки у РСДРП II съездидан кейинги ўз назарияси ва практикасида пролетар интернационализми принципига оғишмай амал қилиб келмоқда. Ўзининг интернационал бурчига содиқ бўлган Коммунистик партия СССР халқлари ўртасидаги дўстликни ишчилик билан мустаҳкамлаб, уларни коммунистик жамиятни барпо этишдан иборат буюк ишда жипслаштирмоқда.

Коммунистик ҳаракат ленинча интернационализм ғояларига содиқлиги туфайли ҳозирги вақтда замонамизнинг энг таъсирчан ва уюшган кучига айланди.

Кейинги йилларда социалистик мамлакатлар қардош халқларининг жаҳон ҳамкорлиги —янги типдаги халқаро иттифоқ мустаҳкамланди. Социализм мамлакатларининг секин-аста бир-бирига яқинлашиб бориш жараёни эндиликда қонуният сифатида тамомила аниқ-равшан намоён бўлмоқда. Социалистик система жаҳон саноат маҳсулотининг 40 процентини ишлаб чиқармоқда. Л. И. Брежнев КПСС XXV съездида: «Жаҳон воқеаларининг боришига социализм мамлакатлари тобора кучли, тобора чуқур таъсир ўтказаётганлигини бирорта ҳам холис киши инкор қила олмайди», деган эди.

Ленинча интернационалистик анъаналарга содиқ бўлган КПСС марксизм-ленинизм ғоялари асосида сиёсий ва ғоявий жиҳатдан жипслаштириш учун изчил кураш олиб бормоқда. Ҳозирги вақтда халқаро коммунистик ҳаракат сафларида 60 миллиондан ортиқ коммунист бор.

Бошқа мамлакатларнинг коммунистлари бир-бирларининг ишларини зўр қизиқиш ва мароқ билан кузатиб бормоқдалар. Кўпинча улар ўртасида фикрлар, ҳатто масалага ёндошишда тафовутлар бўлиши мумкин. Бироқ марксчи-ленинчилар бундай масалаларга интернационализм позицияларидан туриб ёндошадилар, бутун ҳаракатнинг бирлигини мустаҳкамлаш учун, ғамхўрлик қиладилар, ҳар бир партиянинг тенг ҳуқуқлилик нормалари ва уларнинг мустақиллигини қурмат қилиш доирасида иш кўрадилар.

Коммунистик ва ишчи партияларнинг Халқаро кенгаши (Москва, 1969 йил), Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси мамлакатларининг коммунистик партиялари кенгаши (Гавана, 1975 йил), Европа коммунистик ва ишчи партияларининг конференцияси (Берлин, 1976 йил), бошқа регионлардаги коммунистларнинг йиғилишлари коммунистик ҳаракат жипслигини янада мустаҳкамлаш, империализмга қарши тинчлик, демократия ва социал тараққиёт учун курашни кучайтириш йўлида йирик босқич бўлди. Бу кенгашлар ва конференциялар барча мамлакатлар коммунистлари интернационал бирдамлигининг битмас-туганмас ҳаётий кучини яққол намойиш қилди.

Ҳозирги вақтда буржуа идеологлари ва оппортунистлар пролетар интернационализмига қарши ўз ҳужумларини кучайтириб юбордилар. «Бизнинг нуқтаи назаримизда эса,— деган эди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXV съездида, — пролетар интернационализмидан воз кечиш Компартияларнинг ва умуман ишчилар ҳаракатини қудратли эа синалган қуролдан маҳрум этиш бўлар эди. Бу синфий душманга яхши хизмат қилиш бўлар эдики, бундай душман, кези келганда айтиб қўйиш керак, халқаро миқёсда ўз антикоммунистик ҳаракатларини фаол суратда мувофиқлаштирибгина туради. Биз, совет коммунистлари пролетар интернационализмини ҳимоя қилишни ҳар бир марксчи-ленинчининг муқаддес бурчи деб ҳисоблаймиз».

КПСС интернационалистлар партияси бўлиб келди, шундай партия бўлиб келмоқда ва шундай партия бўлиб қолади. КПСС ҳозирги даврнинг революцион кучларини: жаҳон социализм системасини, коммунистик ва ишчилар ҳаракатини ва миллий озодлик ҳаракатини жадаллаштириш ҳамда бирлаштириш соҳасида ғоят улкан ишларни амалга оширмоқда.

КПСС партия XXIV ва XXV съездларида ишлаб чиқилган Тинчлик программасини изчиллик билан амалга оширишга эришиб келмоқда. Тинчлик программасининг кучи ва таъсирчанлиги унинг илмий жиҳатдан асосланганлигида, реаллигида, ижтимоий тараққиётнинг объектив эҳтиёжларини ҳисобга олишидадир.

Кейинги йилларда жаҳон майдонида рўй берган воқеалар партиямизнинг ленинчи сиёсати халқаро ҳаётнинг тобора қудратли ва самарали омили бўлиб бораётганлигидан далолат бериб турибди.

Раҳбар ва етакчи куч

РСДРПнинг II съезди бўлган даврдан буён орадан 75 йил ўтди. Эндиликда совет кишилари Ленин партияси томонидан босиб ўтилган йўл чинакам буюк тарихий ғалабалар ва бунёдкорлик ишлари йўлидир, деб қонуний равишда фахрланиш билан айтишлари мумкин. Буларнинг ҳаммаси СССРнинг янги Конституциясида яққол акс эттирилган. Биз Конституциянинг биринчи бобидаги 6-моддада алоҳида фахр билан қуйидаги сўзларни ўқиймиз: «Совет жамиятининг раҳбар ва етакчи кучи, совет жамияти сиёсий системасининг, давлат ва жамоат ташкилотларининг ўзаги Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидир. КПСС халқ учун яшайди ва халққа хизмат қилади.

Марксча-ленинча таълимот билан қуролланган Коммунистик партия жамиятни ривожлантиришнинг бош истиқболини, СССРнинг ички ва ташқи сиёсат йўлини белгилаб беради, совет халқининг буюк бунёдкорлик фаолиятига раҳбарлик қилади, унинг коммунизм ғалабаси учун курашини планли, илмий асосда олиб боради».

Ҳозирги вақтда ўз сафларида 16 миллиондан ортиқ аъзони ва аъзоликка кандидатларни бирлаштирувчи КПСС бутун халқнинг жанговар авангардидир. Лекин шу билан бирга партия ўзининг синфий, пролетар характерини сақлаб қолади. У РСДРПнинг II съездида асослаб берилганидек, ишчилар синфи партиясининг принциплари асосида қурилади. КПССга қабул қилинаётганларнинг қарийб 60 процентини ишчилар ташкил этади. Бу қонуний бир ҳолдир, чунки у жамият ҳаётида ишчилар синфининг етакчилик ролини акс эттиради. КПСС умумхалқ партиясига айланди, чунки ишчилар синфининг идеологияси, мақсад ҳамда вазифалари бутун совет халқига хос бўлиб, унинг манфаатларини ифодалайди, бутун жамият тараққиётини белгилаб беради.

СССР ва Ўзбекистон ССР янги Конституцияларида КПСС милий сиёсатининг асосий принциплари, шунингдек СССР халқларн дўстлигини ва қардошларча ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш масалалари етарли даражада кенг акс эттирилди. Мамлакатимизда 160 миллат ва элат вакиллари ягона оилада яшаб, умумий мақсад— коммунизм қуриш йўлида меҳнат қилмоқдалар.

Партия ленинча миллий сиёсатининг принциплари миллатларнинг сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан тенглигини албатта эътироф қилишни талаб этади. Миллий белгига қараб бирон-бир устунликка эга бўлиш ёки чеклашлар бутунлай инкор қилинади. Ленинча принциплар халқлар тенглиги ва суверенлигини, уларнинг ўз тақдирларини эркин равишда ўзлари белгилаш ҳуқуқини, ихтиёрий ва қардошларча ҳамкорлик асосидагина мустаҳкам бирлашиш имкониятини қарор топтиришга асослангандир.

Ҳозирги вақтда СССРда 15 та иттифоқдош, 20 та автоном республика, 8 та автоном область, 10 та автоном округ мавжуд. Мамлакатимиз халқлари миллий давлатчилигининг тузилганлигини Ленин Октябрь революциясининг энг муҳим ютуқларидан бири деб ҳисоблади. «Биз рус бўлмаган барча миллатларнинг ўз республикаларн ёки автоном областларини вужудга келтирдик», деган эди Владимир Ильич.

Ривожланган социализм шароитида ягона мақсад ва идеаллар асосида СССР халқларининг иқтисодий ва маънавий соҳалардаги ўзаро алоқалари кенгайиб боради. Бу— интернационал, коммунистик идеалларга мос келувчи объектив жараёндир. Бу муваффақиятлар Ўзбекистон Совет республикаси ҳаётида ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Ўзбекистон ва бошқа қардош республикаларнинг тажрибаси шуни кўрсатиб турибдики, кўп миллатли ягона иттифоқ давлатида социалистик тузум асосида пролетар интернационализми принципи негизида янги типдаги миллатлараро ва давлатлараро муносабатлар ўрнатилиши мумкин.

КПССнинг жанговар ва содиқ отрядларидан бири— Ўзбекистон Коммунистик партиясидир. У Ленин партиясининг бевосита раҳбарлигида ўсди ва мустаҳкамланди. Революцион жанглар олиб борилган йилларда, социалистик қурилиш даврида, оғир уруш даврида, эндиликда эса ривожланган социализм шароитида Ўзбекистон Компартияси Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши, унинг бахтли келажаги учун қаҳрамонона курашиб келди ва курашмоқда. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев Ўзбекистон Компартиясининг фаолиятига юксак баҳо берган эди: «Ўрта Осиё республикалари ва бошқа иттифоқдош республикалардаги барча партиялар сингари Ўзбекистон Коммунистик партияси ҳам КПССнинг катта ва жанговар отрядидир. Республикангизнинг ҳозирги ва келажакдаги ҳамма муваффақиятлари Ўзбекистон Коммунистик партиясининг ғоявий-сиёсий ва ташкилотчилик фаолияти билан чамбарчас боғланган.»

Совет ҳокимияти йилларида Совет Ўзбекистони СССР халқлари ленинча дўстлигининг куч-қудрати туфайли социал ва маънавий тараққиёт чўққилари сари ғоят улкан сакраш қилди.

Ўзбекистон саноат соҳасида жаҳон миқёсига чиқди. Республиканинг 1500 та йирик саноат корхонаси ўз маҳсулотларини дунёнинг 70 та мамлакатига чиқармоқда. Бу— КПСС ленинча миллий сиёсатининг ажойиб якунидир.

Қишлоқ жойларидаги турмуш шароитлари бутунлай ўзгарди, бу шароитлар барча кўрсаткичлар бўйича шаҳардаги шароитга яқинлашиб келмоқда. Ўзбекистон пахтакорлари 1937 йилда 1,520.000 тонна пахта етиштирган эдилар. Бу рақам энди 5,678.000 тоннага етди.

Революция таълим, фан ва маданият сари кенг йўл очиб берди. Шуни айтиш кифояки, Ўзбекистонда 5 миллион 450 минг киши таълимнинг барча турлари билан қамраб олинган, 43 та олий ва 200 ўрта махсус ўқув юртлари ишлаб турибди. Халқ хўжалигида 917 минг малакали мутахассис ишламоқда.

Янги совет кишисининг тарихий топганлигини энг улкан ғалабалар қаторига киритиш керак. Совет кишиси коммунизм идеалларига чексиз содиқдир. Бу ва бошқа ўзгаришларнинг ҳаммаси республиканинг янги Конституциясида ўз ифодасини топди.

СССР халқларининг ленинча дўстлиги вужудга келганлиги, мустаҳкамланганлиги ва гуллаб-яшнаётганлиги КПСС миллий сиёсатининг буюк муваффақиятидир. «Бошқа мамлакатларнинг халқлари билан дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришга, яъни тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашга кўмаклашиш— Ўзбекистон ССР гражданининг интернационал бурчидир», — дейилади республика Конституциясининг 67-моддасида.

РСДРП II съездининг 75 йиллиги нишонланаётган ҳозирги кунларда совет кишилари КПСС, унинг ленинчи Марказий Комитети теварагига янада мустаҳкам жипслашмоқдалар.

«Совет кишилари шуни биладиларки, — деган эди Л. И. Брежнев КПСС XXV съездида, — қаерда коммунистлар олдинги сафда бўладилар Совет кишилари шуни биладиларки, қандай қоқол рўй бермасин, коммунистлар уларни доғда қолдирмайдилар. Совет кишилари шуни биладиларки, партия бўлган жойда муваффақият бор, ғалаба бор! Халқ партияга ишонади. Халқ партиянинг ички ва ташқи сиёсатини тўла-тўкис қувватламоқда. Бу эса партиянинг бир қучига ўн куч қўшмоқда. Партия учун битмас-туганмас куч-ғайрат манбаи бўлмоқда».

Қ. ФОЗИЛХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қузуридаги Партия тарихи институти директорининг ўринбосари.

• *Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида*

ГРАФИККА РИОЯ ҚИЛИНСИН

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети шаҳар хўжалигини кузги-қишки мавсумга тайёрлаш бўйича комиссиянинг навбатдаги йиғилишида Собир Раҳимов районининг ҳисоботи тингланди. Комиссия йиғилиши асосий эътиборни иссиқлик трассалари ремонти ишига қаратди. Бу тасодифан эмас, албатта. Чунки районда иссиқлик трассаларидан ёмон фойдаланиш натижасида бу борада катта камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Баъзи бир участкаларда эса ирригация шахобчаларининг пала-партиш бузилиши натижасида иссиқлик магистрали сув билан тўлиб қолянти. Натижада улар ўз муддатини ўтамай ишдан чиқмоқда. Мана шундай манзарани Қорақамиш 1/4 массивидаги 40.23 ва бошқа турар жойлардан фойдаланиш конторасн участкаларида кўриш мумкин. Бироқ шунга қарамай янги иссиқлик тармоқлари қурилиши учун мутасадди ҳисобланган 159-трестнинг 22-қурилиш бошқармаси ва 6-трестнинг 32-қурилиш бошқармаси хизматчилари шу вақтгача иссиқлик трассасини ўтказиш ишига киришганлари йўқ.

Шуниндек, комиссия ўз йиғилишида район хўжаликлари томонидан кузги-қишки мавсумга тайёргарлик юзасидан талай тадбирлар амалга оширилганлигини қайд этди. Бу ерда саноат корхоналарига қўшимча иссиқлик бериш ишларига тайёргарлик кучайтириб юборилган. Чиқинди сувлар оқадиган қувурларни, эшик ва пилларояларни ремонт қилиш ишлари графикдан ўзган ҳолда олиб борилмоқда. Синган дерезаларни ойналаш, печкаларни ремонт қилиш ва электр жиҳозлари профилактикаси ишлари ҳам тез суръатлар билан борилмоқда.

Қисқа қилиб айтганда, коммунал хўжалиги белгиланган тадбирларни муддатидан илгари адо этиш учун бошланган социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириб кузги-қишки мавсумга тайёргарлик ишларини тобора жадал суръатсуръатлар билан олиб борилмоқда.

ТЕЛЕРЕТРАНСЛЯТОР ИШГА ТУШДИ

Шахтёрлар шаҳри Ангрен аҳолиси рангли телевидение кўрсатувларини томоша қила бошладилар. Бу ерда телевизион ретранслятор мудлатидан илгари ишга туширилди. Бу Тошкент ва Москвадан қабул қилинадиган кўрсатувлар сифатини яхшилайди. Эндиликда республика аҳолисининг 80 процентн рангли телевидениени кўра олади.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

Н. Таракининг айтганлари

ҚОБУЛ. Афғонистон бош министри М. Нурмуҳаммад Тараки радио ва телевидение орқали гапириб, бундай деди: барча социалистик мамлакатлар, Афғонистон Демократик Республикасини таниганлиги революция бошланганидан бери ўтган икки ярим ой ичида Афғонистон Халқ Демократик партияси фаолияти якунларидан бири бўлди, шулар орасида Афғонистон Демократик Республикасини улуғ Ленин мамлакатн биринчи бўлиб таниди; кўпгина капиталистик мамлакатлар ва қўшилмаган мамлакатларнинг ҳаммаси ҳам Афғонистон Демократик Республикасини таниди. Нурмуҳаммад Тараки Афғонистон Демократик Республикаси социалистик мамлакатлар билан ўзларининг алоқаларини бундан буён ривожлантира бериш, қўшилмаган мамлакатлар билан муносабатларни мустаҳкамлаш ниятида эканлигини уқтириб ўтди.

Н. Тараки ички аҳвол ҳақида гапириб, мамлакатнинг ички аҳволи муҳим ҳолда эканлигини қўрсатиб ўтди. Мамлакатнинг халқ қуролли кучларидаги команда составини янгиланди, халқ ичидан чиққан кишилар қомандир бўлиб қолдилар, деди у. Бизнинг армиямиз реакциянинг ҳар қандай кирдикорларига зарба беришга ва республика ғалабаларини сақлаб қолишга қодир, деб уқтириб ўтди бош министр.

Хомийлик чоралари

ВАШИНҒТОН. Молия министрлиги Европадан сотиб олинаётган шакардан махсус бож (пошлина) олиш жорий этилганлигини эълон қилди. Эндиликда бу шакарга ҳар бир қадоқ учун 10,8 цент бож солинади. Одатда янги таърифларни жорий қилиши учун бир йилга яқин вақт керак бўлар эди. Бироқ, бу сафар бу чора салкам бир ой ичида ишлаб чиқилди ва амалга оширилди.

Европадан сотиб олинаётган шакардан махсус бож олиш Ғарбдаги етти давлатнинг Боннда юксак доирада иқтисодий кенгаши бўлиб ўтгандан кейин бир ҳафта ўтар-ўтмас жорий қилинганлигига ҳам бу ерда эътиборни жалб қилмоқдалар. Бироқ шу кенгашдан сўнг, дарҳол Америка маъмурлари Ғарбий Европа ва Япониядан АҚШ сотиб олаётган пўлатнинг минимал нархларини оширдилар, энди навбат шакарга келди. Сўнгра бошқа хомийлик чоралари ҳам кўрилиши мумкин.



ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ. Плауэн (Карл—Маркс—Штадт округи) шаҳридаги «Нарва» заводи автомобиль фаралари проекцион ва фото аппаратлар учун махсус ёритиш лампалари ишлаб чиқаради. Бу суратда: контролер Петра Эберт маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда.

АДН—ТАСС фотоси.

Миллий манфаатларга хилоф равишда

ЛОНДОН. Англия «Умумий бозор»га аъзо бўлиб кирганлиги мамлакат миллий манфаатларига жуда катта зарар етказди. Буюк Британия савдо министрининг парламентдаги ўринбосари М. Мичер умумпалатада айтган гапларига Англия жамоатчилиги буни исботловчи далил, деб баҳо бермоқда. Англиянинг Европа иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлган олти мамлакат билан савдо баланси шу йилнинг иккинчи кварталида яна катта камомад билан якунланди, дели М. Мичер. Шу давр ичида Англия мазкур олти мамлакатга 2750 миллион фунт стерлингга тенг келадиган мол сотди, аммо шу мамлакатлардан 3446 миллион фунт стерлингга тенг келадиган мол сотиб олди. Парламент аъзоси А. Скиннер ҳам Англиянинг Европа иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлиб кирганлиги мамлакат экономикасита ҳалокатли таъсир ўтказганлигини айтиб, ҳозирги вақтда Франция билан Ғарбий Германия ўртасида муҳокама қилинаётган «валюталарни стабиллаштириш» планн қабул қилинган тақдирда Англия экономикаси Боннга тағин ҳам кўпроқ қарам бўлиб қолади деб уқтириб ўтди.

Қишлоқ хўжалиги, балиқ овлаш ва озиқ-овқат министри Ж. Силкин Буюк Британиянинг «Умумий бозор»да қатнашуви салбий оқибатларга олиб келаётганлигини қўрсатувчи бошқа бир мисолни айтиб ўтди. У матбуот конференциясида гапириб, ҳозирги вақтда инглизлар «Умумий бозор»га аъзо бўлмаган вақтда ўз ҳиссаларига тўғри келадиган овланган балиқнинг фақат ярмигина олаётганлигини айтди. Шу вақт ичида мамлакатнинг Европа ҳамжамиятида қатнашаётганлиги фақат балиқ нархларигина эмас, шу билан бирга барча озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа моллар нархи тез кўтарилиб бораётганлигининг асосий сабабларидан бири бўлиб қолди.

Ўз-ўзи ўқитувчи — доно бўлур...

▲ Инсонни бутун жонзодлардан юқори қўйган, уни дунёнинг бутун сиймосини воқиф этган тўрт нарса бордир, булар ҳикмат, ақл, қаноат ва адолатдир.

▲ Маърифатли одамлар ҳам ўзларидан паст ва юқори вазифадаги одамлар билан маслаҳатлашмоғи керак. Хусусий масалаларни ҳал этишда бир ақл озлик қилганидек, умумий масалаларни ечишда ҳам кифоя қилмайди.

▲ Айбсиз дўст қидирган киши якқаланиб қолади, арзимас айби учун хафа бўлаверадиган кишининг дўстлари душманга айланаверади.

▲ Садоқатли кишилар билан дўстлик қил. Кисса ва коса, молу-мулк учун бўлган дўстликнинг умри қисқадир.

▲ **Ҳикоят:** Бир донишмандан сўрадилар:

— Қандай қилиб яхшилар суҳбатига эришиб бўлади?

Донишманд шундай жавоб берди:

— Кимки ҳушмуомала бўлса—ҳурматга етади, ростгўй бўлса— қадри ошади, кимки ёмонлар суҳбатидан қочса, яхшилар суҳбатига етишади.

Байт:

Хотиринг тоса губор дўстингдан асло ранжима,
Душманинг дуосидан аъло эрур дашноми дўст.

▲ Мол, давлат учун жон фидо қилувчи одамларга насиҳат қилманг, насиҳат қадрини улардан юқорироқ қўйинг.

▲ Бировнинг нарсасини ўзингизникидан ҳам эҳтиёт қилиб сақланг, бошқаларнинг уйида фармонбардорлик қилманг.

▲ Ички аҳволингизни душмандан сир тутинг, бировнинг сиридан огоҳ бўлишга уринманг.

▲ Жоҳил ва дағал одамлар билан муносабат қилганингизда дилингиз огриса, ортиқча хафа бўлиб соғлиғингизни йўқотманг.

Байт:

Дағал тиллар гўзал сўзлар бунёд этмас,
Тўти ҳеч вақт қарға нутқин эрод этмас,

▲ **Ҳикоят:** — Бир куни бир гоз бир какликни кўриб, унинг ноз ва ғамза билан юришига ҳаваси келди. Ғоз какликнинг юришини ўрганмоқчи бўлиб, унинг изидан қолмасдан бутун ҳаракатларига тақлид қилди, лекин бундан ҳеч нарса чиқмади. У какликнинг юришини ҳам ўргана олмади, ўз юришини ҳам унутди.

Байт:

Ярашган одатга қилгин ҳаракат,
Беҳуда тақлиддан келадя кулфат.

▲ Бир донишманд шундай дебди:

— Узини ҳам ва ўзгани ҳам безор қиладиган одамларнинг беш тоифаси мавжуд:

1. Бошқаларга таълим беришга бел боғлаган нодон.
2. Ному бору ўзи йўқ мақсадга эришмоқ учун жон куйдирадиган одам.
3. Дўст-ёрлари билан маслаҳат қилмайдиган табиатсиз киши.
4. Қўлидан келмайдиган ишга тиш-тирноғи билан ёпишган одам.
5. Бировларни аҳмоқ қиламан деб умид қилган киши.

Ҳикоят: —Хасис бир мирзи пулини туширибди юборибди. Дарҳол уни ердан олиб ўпибди ва силаб-силаб чўнтагига соларкан, шундай дебди:

— Отам ҳам, онам ҳам, дўсту ёрим ҳам сенсан! Сен қанчадан қанча шаҳарларни кездинг, қанчадан-қанча чўнтакларга тушдинг, қанчадан қанча одамларни ноумид, қанчалаб одамларни хушнуд этдинг, баъзиларни ақлдан, баъзиларини йўлдан урдинг. Мана, энди чўнтагимдан жойингни топдинг. Энди ҳеч кимнинг роҳатини бузолмайсан. Бу ердан сени омбур билан ҳам ҳеч ким суғуриб ололмайди.

▲ **Ҳикмат:** Ҳиссиёт ва нафсониятга берилиш ақл ва камолат ойнасига доғ туширади ва тўғри қарор чиқаришга моне бўлади.

▲ **Ҳикоят:** Бир киши юз тангага «Насиҳат» деган китоб сотиб олди-ю, унда фақат икки сўз — «Жаҳлингни ют» деган гапдан бўлак ҳеч нарса ёзилмаганига ҳайрат ёқасини ушлади. У узоқ йиллар ўз ватанидан йироқ жойларда дарбадар юрди, лекин сотиб олган китобини кўзи қиймай, доим қўйнида сақларди. У киши бир куни уйига қайтиб келиб қараса, хотинининг ёнида гўзал бир ёш йигит ўтирган эмиш. Кишн даргазаб ҳолда икковини ўлдирмоқчи бўлибди. Шу пайт кўлидаги китобни ерга ташламоқчи бўлиб, ундаги «Жаҳлингни ют» деган насиҳат ёдига тушибди-ю, ўзини босиб олибди. Уйга кириб, суриштириб билса, хотинининг ёнидаги гўзал ёш йигит ўзининг ўғли экан.

Ҳикмат: Жаҳлинг — душманинг. Жаҳлини ютган одам икки кишини сақлаб қолади: ўзини ва ўзгани. Жаҳл билан тошни тепсанг, бари бир ўзингнинг оёғинг оғрийди.

Байт:

Ақл бир тирик жонки, билмас завол,
Ақл — турмуш асли, буни ёдлаб ол.

Т. РАСУЛЕВ тайёрлаган.

◆ ТАРИХ СОЛНОМАСИДАН

ШАҲРИМИЗДАГИ ТЎНҒИЧ МУЗЕЙ

Улуг Октябрь социалистик революциясидан сўнг музейлар тарихий ва маданий ёдгорликлар билан бойитилди, чоризм даврида хароба ҳолига келиб қолган музейларга «жон» кирди.

Тошкентда ҳам музейлар тармоғи кенг тараққий этди. Республиканинг асосий музейларидан бири — Тошкентда жойлашган Туркистон халқ музейи таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. У бир неча бор қайта ташкил этилди ва 1935 йилдан Марказий тарихий-революцион музей деб атала бошланди.

1922—1933 йилларда бу музей 30 дан зиёд йирик экспедиция уюштирди. 1940 йилга келиб музейда 75 мингдан ортиқ турли материаллар бор эди. Уларнинг аҳамияти катта бўлди.

Материаллар тўплаш ва илмий-тадқиқот ишлари олиб борилиши натижасида музей коллективи экспозиция ташкил этишга муваффақ бўлди. Ўттизинчи йиллар ўрталарига келиб музей аниқ тарихий тематик йўлини белгилаб олди. Янги экспозиция Ўзбекистон халқлари тарихини кенг акс эттирди. Масалан, совет даври ҳаётига бағишлаб биринчи марта тузилган экспозиция катта аҳамият касб этди.

Ўша даврларда эски шаҳарда ҳам махсус музей очиш таклиф этилган эди.

1926 йил 1 январда тантанали равишда «Биринчи ўзбек музейи» деб ном олган музей очилди.

Музей иши унга ташриф буюрувчиларда доимо катта қизиқиш уйғотиб келди. Ўрта Осиёдаги бошқа музейлар билан мустаҳкам алоқада бўлган Тошкент музейлари уларга ҳам катта ёрдам кўрсатди. Музейнинг «Истаклар китоби» тошкентлик ва бошқа шаҳарларнинг музей экспозициялари ғоят қизиқарли ва ёрқинлиги ҳақида қалбдан изҳор этиб ёзган сўзларини кўплаб ўқиш мумкин.

Ҳозир эса Тошкентда еттита музей мутахассислар ишлаб турибди.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

С. ҲАЙДАРОВА: **Мен ҳам, қўшним ҳам кўп болали она ҳисобланамиз. Аммо қўшним 45 ёшида пенсияга чиқди. Мени эса 47 ёшга тўлган бўлишимга қарамасдан пенсияга чиқаришмаяпти. Иложи бўлса шунинг сабабини тушунтириб берсангиз.**

Жавоб: Белгиланган тартибга кўра беш ёки ундан зиёд фарзанд кўриб, уларни саккиз ёшгача тарбиялаган оналарга 50 ёшдан кексалик пенсияси тайинланади. Бунинг учун шу аёл кам деганда ўн беш йиллик меҳнат стажига эга бўлиши лозим. Шунингдек, беш ёки ундан зиёд фарзанд кўриб, уларни саккиз ёшгача тарбиялаган баъзи оналарга 45 ёшда кексалик пенсияси тайинланиши мумкин. Етти ярим йил ер остида, меҳнат шароити зарарли ҳисобланган иссиқ цехларда ишлаган оналар ана шундай ҳуқуққа эгадирлар. Қўшнингиз ҳудди шундай шароитда ишлаган бўлиши керак. Шунинг учун ҳам унга 45 ёшида кексалик пенсияси тайинланган.

* * *

Г. САДИРОВА: **Институтни тугатганимдан кейин менга корхонада ишлаш учун йўлланма берилди. Лекин ҳомиладорлик отпускасига чиққанлигим учун ишга ўз вақтида тушолмадим. Айтишингчи, ҳомиладорлик отпускам учун менга ҳақин олий ўқув юрти тўлайдими ёки ўзим ишлаш учун юборилган корхонами?**

Жавоб: Олий ва ўрта махсус таълим ўқув юртлари, аспирантурани битириб министрликлар ҳамда халқ депутатлари Советларининг йўлланмаси билан ишга юборилган ёш мутахассислар бетоб бўлиб қолган ёки ҳомиладорлик отпускасига чиққан тақдирда уларга ишга тушиши лозим бўлган кундан бошлаб нафақа тўланади.

Нафақа миқдори ёш мутахассис тайинланган лавозим бўйича олиши лозим бўлган оклад, ойлик маошни ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Ишга юборилган ёш мутахассисларга нафақани корхона, муассаса тайинлайди ва тўлайди. Биноборинсиз ҳам ўзингиз ишга юборилган корхонага касаллик варақангизни топшириб, нафақа олишга ҳақлисиз.

* * *

Е. ОДИЛОВ: **Сурат олишга жуда қизиқаман. Шу касбни ўргатадиган билим юрти борми?**

Жавоб: 30-техника билим юртида ёшлар бир қанча касблар қатори суратчиликни ҳам ўрганиши мумкин. 53-68-09 рақамли телефонига қўнғироқ қилсангиз, ана шу билим юртига қабул шартлари ҳақида тўла маълумотга эга бўласиз.

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИГА ТЎЛА АМАЛ ҚИЛАЙЛИК

ГАИ АХБОРОТИ

Ҳайдовчи Баҳодир Содиқов ГАЗ—52, 90—11 ТШЗ номерли машинани Беруний проспектида ҳайдаб бораётган эди. У Генерал Узоков кўчасининг чорраҳасига борганида чап томонга буриладиган ҳатоликка йўл қўйди. Бу ҳайдовчи қарама-қаршн томондан Ш. Маматалиев бошқариб келаётган РВЗ-6, 2007 номерли трамвайни ўтказиб юбормади ва у билан тўқнашди.

Тўқнашув оқибатида қоидани бузган ва у билан бирга бораётган Б. Халилов жароҳатланишди. Бекобод темир йўл—автомобиль транспорти ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли ГАЗ—52 маркали бу автомобилнинг техникавий шикастланиши 85 сўм ҳисобланди.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

Шанба оқшоми
29 ИЮЛЬ, 1978 й.

Шанба оқшоми

КЕНГ ИСТЕЪМОЛ БУЮМЛАРИ ● ХАРИДОР ДИДИГА МОС



«Қизил тенг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ҳозирги кунда 40 дан ортиқ турли моделдаги пальтоларни Давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқармоқда.



Ушбу суратларда ҳам Моделер уйи ва корхона модельер ҳамда конструкторларининг изланишлари туфайли яратилган қизалоқларнинг «3—306», аёлларнинг «Ф—85» ва «Т—2947» моделли пальтолари акс этган. Бундай пальтолар Давлат Сифат белгиси ёрлиғи билан кўплаб ишлаб чиқарилмоқда.

И. Шоҳноғомов фотолари.

● *Нодир маъданлар*

«Йиртқич» металл

Сурма қандай маъдан, ундан асосан нималарда фойдаланилади? Шу ҳақда қисқача маълумот берсангиз.

У. Салимов, О. Кўчқоров, Н. Одилова, студентлар.

Сурма (туркча «сюрме» қошни бўяш) фақат танноз, лутфи аъзоларгагина эмас, ҳатто эркак кишиларнинг ҳам ўзига кўрк бериш воситаси бўлиб келган. Бу бобда Арманистоннинг кўҳна сағаналарини қазишда эркак киши лаҳатидан қош бўёвчи анжомлар чиққан; зеб берилиб ишланган мармар қутича ичида сурма бириқмаси билан олтиндан ясалган мўйчўп бўлган.

Металл ҳолидаги сурма эрамиздан 3000 йил аввал Вавилонда ишлатила бошланган. Улар идиш-анжомлар ясашда сурмадан фойдаланганлар.

Сурма соф ҳолда кумушсимон, жуда мўрт металл, уни ҳатто чинни ховончада эзиб кукунга айлантириш мумкин. Ўрта аср кимёгарлари сурманинг ажойиб бир хусусиятини топганлар. Эриган сурма ҳар қандай металлни эрита олишга қодир. Хуллас, унга ташланган металл гўё бирор йиртқичнинг комига тушган ўлжадай йўқ бўлиб кетади, шу туфайли уни йиртқич металл деб, унинг рамзи ўса озми кенг очилган бўри ҳисобланади.

Сурма саноатда кенг қўламда қўлланилади. Гарт номи билан юритиладиган босмахона шрифти йигирма фоиз сурма сақлайди. Қолип қуюшда, гугурт ишлаб чиқаришда сурмага рақобат қила оладиган металл топилмайди.

Халқ тиббиётида сурмадан ясалган кўзада сақланган вино қайд қилдириш мақсадида берилган. Сурманинг бир қатор бирикмалари тиббиётда шифо ато этувчи доридармон сифатида ишлатилади. Жумладан, уйқу касаллигини даволашда, қора талоқ касалликларида истеъмол этилади.

М. НАБИЕВ,
химия фанлари кандидати.



«ГУЛШАН АРО ГУЛЧЕҲРАЛАР». Х. Сумнатуллаев фотоэтюди.

◆ ҲАМШАҲАРЛАР, СИЗЛАР УЧУН

БУЮРТМАЧИ МАМНУН БЎЛАДИ

Пушкин ва Новомосковская кўчаларни муюлишида ҳадемай янги Модалар уйи фойдаланишга топширилади. 300 квадрат метрга яқин жойни эгаллаган бу кийим-бош тикториш уйида ҳамшаҳарларимизга барча қулайликлар яратилади. Эркак ва аёллар учун буюртмалар қабул қилинадиган бу Модалар уйида ҳозир янги жиҳозлар ўрнатилмоқда. Бинонинг олд томони эса ободонлаштирилиб, пуркагич фонтанчалар ўрнатилиб, чим ётқизилмоқда.

ЯНГИ МАРШРУТЛАР

Янги «Тошкент» автовокзали бир кунда икки мингдан ортиқ йўловчига хизмат кўрсатмоқда. Бу ердан ҳар куни областимиз ва қардош республикалар шаҳарларига ўнлаб автобуслар қатнамоқда. Яқинда йўловчиларга янада қулайлик туғдириш мақсадида 2-маршрутли такси корхонаси Тошкент темир йўл вокзалидан «Тошкент» автостанциясигача қатнайдиган маршрутли автобусларни йўлга қўйди. Бу қулай машиналар темир йўл вокзалидан аэропорт орқали «Самарқанд» автостанциясига боради. Ҳозир маршрутда Ригада ишлаб чиқарилган «РАФ» маркали қулай машиналардан олтитаси қатнамоқда. Кейинчалик бу машиналар сони янада кўпайтирилади.

● *Табиат ва инсон*

СИРЛИ ДАРЁ

Дарёларнинг қуруқликларда соинмтта эканн барчамизга маълум. лекин уларнинг бепоён океан сувлари орасида ҳам мавжудлиги ажабланарли бир ҳол-ку.

Агар биз серқуёш ўлкамиздаги дарёларда кейинги йиллари сув таиқислигидан қийналаётган бўлсак, океандаги дарёларга бу нарса бутунлай бегона. Улар ҳар йили сершув. Уларнинг энг йириги Гольфстрим оқимидир. Бу дарё Америка қитъасидаги Мексика қўлтиғидан бошланиб, бутун бир Атлантика океанини кесиб ўтиб, Шимолий муз океанида сўнади.

«Гольфстрим»нинг ингичка тилидан таркиласи «қўлтиқдан чиққан оқим» демакдир. Гольфстримнинг сув сарфи секундига 82 миллион куб метрни ташкил этиб, дунёдаги барча дарёларгаги сув миқдоридан 60 баробар каттадир.

Гольфстрим қадим замонлардан бери денгиз сайёҳларига таниш бўлиб, улар уни сирли бир куч деб ҳисоблашарди. Христофор Колумб ўзининг шериклари билан биргаликда Америка қирғоқларига томон биринчи бор сузишдаёқ Шимолий Американинг ғарбий районида кучли оқим борлиги ҳақида кема журналида ёзиб қолдирган эди.

Испан денгизчилари Европага қайтаётганида Флорида яриМ ороли бўйлаб сузаётганда уйларига тезроқ етиб боришларини билсалар-да, унинг сабаби нимада эканлигини билолмадилар. Гольфстрим ҳақида биринчи илмий хабарни Американинг йирик сиёсий арбоби ва олими Бенджамин Франклин берди. У ўзининг Улуг Британия почта министрига юборган мактубида, Гольфстримнинг Мексика қўлтиғидан бошланганлиги кейин у шимолий Америка қирғоқлари бўйлаб ҳаракат қилиши, сўнг эса шарққа Европа томон ҳаракатда бўлиши ва бу дарёнинг икки чеккасида кўлларнинг кўп учраши эзилганди.

Шундан бери кўп йиллар ўтиб кетди. Йил сайин бу сирли дарёнинг кўп жумбоқлари олимлар томонидан очилди. Лекин бунчалик катта дарё сувининг қаерга кетиши охирги вақтгача номаълум эди. Мана, яқинда америкалик океанологлар Гаттерас бурнидан жанубий-шарқий томонда 800 метр чуқурликда Гольфстримга қарамақарши йўналишда бўлган янги оқимни топишди. Чуқурлиги 1,5 километр келадиган Гольфстрим оқимини қабул этган бу океан остидаги дарёнинг ҳаракати Шимолий Муз океани сатҳининг ўзгаришига сабаб бўлмайди.

А. АКБАРОВ,
география фанлари кандидати.

● *Сайёҳ саргузаштлари*

МОВИЙ ДЕНГИЗ ТЎЛҚИНЛАРИ

Сочи шаҳрида ҳар йили 3 миллиондан ортиқ киши ҳордиқ чиқаради. Шаҳардаги энг яхши санаторийлардан бири «Ўзбекистон» деб аталади.

Маълумки, Қора денгиз мамлакатимиздаги энг илиқ денгизлардан. Ўнн энг чуқур жойи 2245 метр. Агар денгиз тўлқинларида ҳудди тарелкага ўхшаш ялпоқ медузалар сузиб юрган бўлса билингки, ҳаво очиқ бўлади. Денгизда дельфин кўп. Кўпинча улар қирғоққа яқин жойга сузиб келиб шўх «ўйинлар» қилишади. Қора денгизда акула ҳам бор. Лекин улар бирон марта одамларга даф қилган эмас.

Сочи шаҳрининг яна бир ўзига хос фазилати бор. У ерда маҷеста деб номланган шифобахш минерал сув мавжуд. Маҳаллий тилда маҷеста сўзи «оловли сув» деган маънони англатади. Қачонлардир бу минерал сувда одамлар узоқ-узоқ ётиб даволанишган. Сувнинг ҳарорати юқори бўлганлиги учун уларнинг бадани кўпгандек қизариб кетган. Шунинг учун оловли сув деб ном беришган. Бу ерда дастлабки ванналар асримизнинг бошида В. Подгурский деган врач томонидан очилган. Совет ҳокимияти йилларида Сочи шаҳри мисли кўрилмаган даражада юксалди. Ҳозир бу ерда 54 та санаторий, кўплаб пансионатлар, дам олиш уйлари, бошқа шифохоналар мавжуд. Айниқса ёз пайтлари шаҳар гавжум бўлиб кетади. Ҳордиқ чиқарувчилар кўплигини шундан ҳам билса бўладики, шаҳарда ёз кунларн бир кунда 25 тонна музқаймоқ сотилади. Бу ерда махсус бедана ва каклик фермалари бор. Ҳордиқ чиқариш ва даволаниш учун келган кишиларга махсус қуш гўшти тайёрланади. «Подшолар таоми» ҳисобланган хонбалиқнинг энг йирик фермаси ҳам шу ерда.

Сочи шаҳрининг архитектураси жуда гўзал. Табиат билан уйғунлашиб кетган. Шаҳарнинг қоқ марказида «Қуйловчи» фонтан бор. Куй оҳангига мос равишда фонтан чироқлари ва сув сатҳи ўзгариб туради. Шаҳарнинг яна бир фазилати унинг нихоятда озодалигидир. Бу ерда чекишга қарши кескин кураш олиб борилади. Сочи чекмовчилар шаҳри деб эълон қилинган. Кўчаларни, жамоат жойларни, бирон кашанда чўваб қолса яхшилаб танбех қилади. Денгиз портидан Гагра. Пицунда, Новороссийск. Одесса каби шаҳарларга ҳар куни кемалар қатнаб туради. Хоҳласангиз катерларда, хоҳласангиз сув ости қанотли «Комета» кемасида денгиз сайлига чиқишингиз мумкин.

Н. ВАЛИЕВ.

ЕТТИ КУНДА БАЖАРИЛАДИ



«ВИСОЛ ГАШТИ». Ф. Абдурасулов фотоэтюди.

«Химчистка» фабрикасида июль ойидан бошлаб катта ҳажмдаги гиламлар, гилам буюмлари, палосларни тозаловчи фабрика аҳолига хизмат кўрсата бошлади. Западная кўчаси 1-уйга жойлашган бу пунктда буюмлар етти кун ичида тозаланиб ишлов бериш сифатида юксак даражада бажарилади.

«Химчистка» гиламларни чангдан тозалаш билан бирга ювиб догларини ҳам кетказиб беради. Ҳамшаҳарларимиз шуни эсдан чиқармасликлари керакки гиламлар энига тўрт метрдан ортиқ бўлмаган ҳолларгагина қабул қилинади. Буюмларни тозалаш «Химчистка»нинг ҳамма пунктларида қабул қилинади.

▲ ОЛИМПИАДА САҲИФАСИДАН

Беш ой давом этган мусобақа

1900 йилда Парижда бўлган II Олимпиада ўйинлари драматик ҳодисаларга бой бўлган. Бунинг исботи учун қуйидагиларни эслашнинг ўзи кифоя.

200 метрга тўсиқлар ошиа сузиш мусобақалари ҳам қизиқарли бўлган. Гапнинг моҳияти шундаки, ҳар 50 метрга қўйилган бочкалар сузувчилар учун тўсиқ вазифасини ўтаган. Спортчилар бир бочканинг ичидан, иккинчисининг устидан ўтиб марра томон сузишни давом эттиришган.

Мусобақалар орасида ғайри табиийлари ҳам бўлган. Жумладан, жуфт бўлиб югуриш пайтида бир спортчининг оёғи иккинчисининг оёғига чилвир билан боғлаб қўйилган. Улар бир-биридан ўзиб кетмаслиги ва маррага бир вақтда етиб келишлари учун шундай қилинган.

Енгил атлетика мусобақалари ўтказилаётган пайтда энг қизиқ воқеа юз берган. Аммо тез орада бу ялтироқ қўнғизларга кўникиб кетади. Баъзан кечалари денгиз сатҳи ўзидан-ўзи ловиллаб кетгандек бўлади. Бу ялтироқ ноктилук деган жониворларнинг «иши» эканини кўпчилик билмайди.


Енгил атлетика мусобақаларн ўтказилаётган пайтда энг қизиқ воқеа юз берган. Дастлабки олимпиада ўйинларида ғолиб чиққан америкалик енгил атлетикачилар календарга амал қилиб маганлиги учун мусобақаларда қатнашишдан бош тортишган. Натижада диск улоқтирувчилар баҳсида венгриялик спортчи Рудольф Бауэр ғолиб чиққан.

Олимпиада ўйинлари тарихида биринчи марта Парижда бўлган баҳсларда аёллар қатнашишган. Теннис бўйича ўтказилган беллашувларда англиялик теннисчи Шелла Купер ғолиб чиққан. Унинг номи тарихга биринчи олимпиада чемпиони сифатида ёзиб қўйилган.

Энг характерлиси шундаки, бу олимпиада мусобақалари беш ой давом этган. Шунинг учун ҳам у энг узоқ давом этган олимпиада ҳисобланади.

● *Дам олиш соатида*

ТОПШИРИҚЛИ КРОССВОРД



Азиз оқшомхон! Мазкур кроссвордни ҳал қилганингиздан сўнг жавобларнинг биринчи ҳарфларини шакл атрофидаги катакларда берилган рақамлар билан алмаштиринг. Бунда сиз шоир Саъдий Шерозийнинг қикматли сўзини ўқийсиз.

ЭНИГА: 5. Буюк поляк композитори. 6. Рўзғор буюми. 9. Техника экини. 10. Минерал. 11. Тожикистондаги шаҳар. 12. Машҳур ўзбек халқ ашуласи. 17. Биринчи лига футбол командаси. 18. Абдулла Ориповнинг шеърий тўплами. 19. Сувсиз биёбон ер. 20. Ўрта Осиёдаги тог.

БЎЙИГА: 1. Прозаик асар тури. 2. Чизмачилик қуроли. 3. Европадаги кичик давлат. 4. Баҳор кўкати. 7. Қовун нави. 8. Ўш областидаги шаҳар. 13. Сартарошлик асбоби. 14. Пойтахти — Рим. 15. Мусобақадаги ҳал қилувчи ўйин. 16. Сирдарё областидаги район.

Тузувчи: **Фозилжон ОРИПОВ.**

22 ИЮЛДАГИ «УЧ ҲАРФЛИЛАР» КРОССВОРДИНИНГ ЖАВОБЛАРИ

1. Роз. 2. Май. 3. Шоҳ. 4. Чой. 5. Она. 6. Аср. 7. Чим. 8. Нок. 9. Кит. 10. Мис. 11. Икс. 12. Ток. 13. Қини. 14. Сим. 15. Тол. 16. «Уфқ». 17. Мош. 18. Инл. 19. Лок. 20. Нон. 21. Гай. 22. Дон. 23. Най. 24. Эга.

«Шанба оқшоми» саҳифаларидаги кроссвордларга А. Аюбов, М. Йўлчиева, Н. Болтабоев, С. Орипов, В. Полвонов, Ҳ. Обидов, Т. Ғаниев, М. Одилхонов, Ш. Дадабоева, И. Нуриев, Б. Шоиқромов, Д. Қосимов, А. Кенжаев, А. Файзимуҳамедов ва бошқа оқшомхонлар тўғри жавоб юборишган. Хат йўлларн ўртоқларга редакция ташаккур билдиради.

Ҳафталик программа

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

31 ИЮЛЬ — ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Ҳар доим бўлсин қуёш!». Болалар бадиий ҳаваскорлик коллективларининг концерти. 10.25 Болалар учун. «Қувноқ боқеалар». Телевизион бадиий фильм. 11.40 «Ҳайвонот оламида». 15.00 «Қишлоқдаги оддий иш кунлари». Кинопрограмма. 16.00 В. И. Лебедев-Кумачнинг шеърлари ва қўшиқлари. 16.45 «Байкалнинг тиниқ суви». Илмий-оммабоп программа. 17.15 Грузия қишлоқ хўжалиги институти «Горда» халқ рақс ансамблининг концерти. 17.45 «Орлёнок» телестудияси ёш мухбирларининг Совет Иттифоқи Қаҳрамони, адмирал В. Н. Алексеев билан учрашуви.

18.30 Янгиликлар. 18.45 «Ёшлар ва студентларнинг Гаванадаги XI жаҳон фестивалида». 19.20 «Учинчи йил — зарбдор йил». 20.05 «Андрей Колобов». Телевизион спектакль премьераси. Автор — Н. Мирошниченко. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Кинотомошабин ҳамроҳи». 23.35 «И. Архипова концертлари». 3-кўрсатув. 23.30 Янгиликлар.

Узбекистон телевиденнесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Туманнинг оролидан келган қалдирғоч». Болалар учун телефильм. 18.25. Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ пионер ёзи». 18.55 «Хоразмнинг юксак «оқ олтин» хирмони учун!». Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги, «Ўзбекистон маданияти» газета редакцияси ва Ўзбекистон телевиденнесининг биргалигидаги рейди. 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 Тошкент халқ филармониясининг «Яшлек» ашула ва рақс ансамбли ижро этади. 20.05 «Севги ҳақида сонетлар». Варот Бойқобулов шеърлари асосида телекомпозиция. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси солистларининг концерти. Программада ўзбек классик қўшиқлари. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Нигит бўлиб туғилмайди киши». Телевизион ҳужжатли фильм. («Ўзбектелефильм»). 22.15 М. Шатров. «Эртанинг ташвиши». Телевизион спектакль премьераси. 00.15 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Вертикаль». Бадиий фильм. 20.15 Тошкент янгиликлари. 20.35 «Ҳаммаси менинг ўғилларим». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.00 «Янги урф-одатлар — турмушга». 21.30 «Классик куй сақифалари». 22.10 «Йўл устидаги учрашув». Телевизион бадиий фильм (рус.).

1 АВГУСТ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Цирк — болаларга». 10.35 Н. Мирошниченко. «Андрей Колобов». Телевизион спектакль. 12.00 Совет қўшиқларидан концерт. Ленинградан олиб кўрсатилади. 15.00 «Меҳнатинг — иқболинг». Кинопрограмма. 16.00 «Е, Шарқ ижоди». 16.45 Болалар учун қисқа метражли бадиий фильмлар программаси: «Эмильбекнинг ёзи», «Унутилмас кун», «Қишлоқ таътиллари».

18.00 «Шимолга командировка». Телевизион очерк. 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Ёшлар ва студентларнинг Гаванадаги XI жаҳон фестивалида». 19.30 «КПСС Марказий Комитети июль (1978 й). Пленуми қарорлари — ҳаётга!». «Қишлоқлар учун кадрлар ҳақида ғамхўрлик», Рязань область Сапожков қишлоқ ҳунар-техника билим юртининг директори Н. М. Нефедов сўзи. 19.45 Н. Паганини. Скрипка ва оркестр ижроси учун ёзилган 1-концерт. 20.25 Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича ўтказилган кенгашнинг 3 йиллигига. «Сенга тинч ҳаёт, Европа». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Ёшлар ва студентларнинг XI жаҳон фестивалида». Сиёсий қўшиқлар концерти. Гаванадан олиб кўрсатилади. 23.30 Янгиликлар.

Узбекистон телевиденнесининг программаси

10.55 Кўрсатувлар программаси. 11.00 «Мишук». Болалар учун телевизион бадиий фильм (рус.). 12.05 «Н. Тихонов. «Замонлар ва йўллар» телевизион ҳужжатли фильм. 12.45 «Онтарио соҳилида бўлган воқеа». Бадиий фильм. 17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Уч банан». Болалар учун мультфильм. 18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Камалак». 18.45 «Идеология ва ҳаёт». Тележурнал 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Қушлар нималар ҳақида куйлайди». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Ўзбектелефильм»). 19.50 «Ёзувчи ижодхонасида». Ҳамид Ғулом. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.56 «Қалбим ардоғи». Концерт. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Август — ҳосил тўплашда ҳал қилувчи ой». 22.15 «Николай Бауман». Бадиий фильм. 23.40 Кўрсатувлар программаси

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Иристон ўғлон». Бадиий фильм. 20.30 «Виктор Копачинский чалади». Телевизион фильм-концерт. 20.50 Тошкент янгиликлари. 21.10 «Ер ва эл». Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. «Терск қумликларида». «Вертолётчилар». «Ширвани Гайдамировв». 21.55 «Киноактриса Лидия Смирнова». Фильм-портрет (рус.).

2 АВГУСТ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Олтин даровоза». Музикали программа. Чехословакиядан олиб кўрсатилади. 10.45 Болалар учун ҳужжатли фильмлар программаси. «Ёз бошланди», «Ўрмонда». 11.40 «Киносаёҳатчилар клуби». 15.00 Касбга йўналтиришга бағишланган телевизион ҳужжатли фильмлар программаси: «Бешинчи чорак», «Эстафета». «Стартлар». 15.45 «1978 йилги СССР давлат мукофотига номзодлар». Рассом Д. Бисти. 16.15 «Спортчилар класси». 17.00 «Спортчилар класси». 17.00 «Мусиқачиларнинг ишчи кафолати». 17.30 «Горчичлар, қаердасиз!». 18.00 «Фан оламида». 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Ёшлар ва студентларнинг Гаванадаги XI жаҳон фестивалида». 19.30 «Ҳамма нарсадан азиз». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 20.20 Эстония ССР халқ артисти М. Бойтес рус халқ қўшиқларини ижро этади. 20.45 «Ер кишиси». Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ҳақида кинопрограмма. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Ёшлар ва студентларнинг XI жаҳон фестивалида». Халқ куйлари ва рақсларидан концерт. Гаванадан олиб кўрсатилади. 23.30 Янгиликлар.

Узбекистон телевиденнесининг программаси

10.55 Кўрсатувлар программаси. 11.00 «Эртак давом этади». Болалар учун мультфильм. 11.20 «Касблар ҳақида ҳикоялар». «Қурувчилар». 2-кўрсатув. 11.50 «Николай Бауман». Бадиий фильм.

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Мен қизил ўрмонни расмини чизяпман». Болалар учун мультфильм. 18.15 Болалар учун. «Бойчечак». 18.45 «Ривожланган социализм шароитида КПССнинг аграр сиёсати». «Ўртоқ Л. И. Брежнев томонидан партия ленинча аграр сиёсатининг ижодий ривожлантирилиши». 19.00 «Зангори экран» почтаси». 19.30 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Торпедо» (Москва). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Таниффус пайтида — «Ахборот» информацион программаси (рус.). 21.15 «Ахборот» информацион программаси. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари — ҳаётга!». «Қишлоқ қурилиши». 22.15 «Бирознинг номида». Бадиий фильм. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Самаранинг ташвишли тунлари». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия (рус.). 20.05 Тошкент янгиликлари. 20.25 «Пойтахт области далаларида». 20.55 Реклама. 21.10 Л. Н. Толстой туғилган кунининг 150 йиллигига. «Лев Толстой». Ҳужжатли фильм.

3 АВГУСТ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Фестивалга пионерлар салюти». Ёшлар ва студентларнинг Гаванадаги XI жаҳон фестивалида қатнашаётган делегат пионерлар билан учрашув. 10.25 «Хайрли соатда». Бадиий фильм. 12.00 РСФСР халқ артисти П. Нечепоренко чилади (балалайка). 15.00 Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 16.05 Москва мактабларининг ўқувчилари ижросида совет ва чет эл шоирларининг шеърлари. 17.05 «Халқ оҳанглари». 17.20 Болалар учун телевизион бадиий фильм. 18.30 Янгиликлар. 18.40 «Ёшлар ва студентларнинг Гаванадаги XI жаҳон фестивалида». 19.25 «Алкоголизм». Врач суҳбатлари. 19.55 Ф. Шуберт. Скрипка ва фортепьяно ижроси учун ёзилган фантазия. СССР халқ артисти Д. Коган ва халқаро конкурс лауреати С. Алумян ижро этадилар. 20.20 «Санъат усталари». РСФСР халқ артисти Л. Марков. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Киев) — «Динамо» (Тбилиси). Киевдан олиб кўрсатилади. 23.45 Янгиликлар.

Узбекистон телевиденнесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Данғасалар ҳақида». Болалар учун кўғирчоқ фильм. 18.25 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида». 18.55 «Ицтисодий билимлар — оммага». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «1978 йилги шашка юлдузлари». «Правда Востока» газетасининг соврини учун ўтказилган халқаро турнир қатнашчилари билан учрашув. 19.55 «Ижҳом». Ижодкор ёшлар клуби. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Рояль олдидаги суҳбатлар». Музикали кўрсатув. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари — ҳаётга!». «Чорвачилик — зарбдор фронт». 22.15 «Женя, Женечка ва Катюша». Бадиий фильм. 23.40 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Болалар учун фильм. «Уч айиқча». 19.20 «Самаранинг ташвишли тунлари». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия (рус.). 20.05 Тошкент янгиликлари. 20.25 «Эртаклар намойиши». Телевизион фильм-концерт. 20.55 Телевизион ҳужжатли фильмлар.

4 АВГУСТ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 Мультфильмлар программаси. 10.25 «Сакраш ҳуқуқи». Бадиий фильм. 12.00 Г. Веревка номли Украинада хизмат кўрсатган Давлат академик халқ хори ижро этади. 15.00 «Сибирь ва Узоқ Шарқ бўйлаб». Кинопрограмма. 16.15 «Шахмат мактаби». «Шахмат таржимидан». 5-кўрсатув. 16.45 «Москва ва москвaликлар». 17.15 «Орлёнок» телестудиясининг концерт зали.

18.00 «Жасорат»нинг дала почтаси». 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Ёшлар ва студентларнинг Гаванадаги XI жаҳон фестивалида». 19.30 «Ҳаммамизга қуёш бирдек нур сочади». Ёшлар ҳақидаги қўшиқлар. 20.00 «Марказий телевидение экранида биринчи марта». «Юксакликдан қўрқиш». Бадиий фильм. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари — ҳаётга!». «Ноз-неъмат бунёдкори». 23.15 Янгиликлар. «Уч плюс икки». 23.40 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Самаранинг ташвишли тунлари». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия (рус.). 20.10 Тошкент янгиликлари. 20.30 Совет қўшиқларидан концерт. 21.00 «Тошкент» телепрограммаси. «Меҳнат ва спорт» (рус.). 21.30 «Терек — дўстлик дарёси». Телевизион ҳужжатли фильм.

5 АВГУСТ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 Москва шаҳар Люблин районидаги А. Гайдар номли Пионерлар ва мактаб ўқувчилари саройи ашула ва рақс ансамблининг концерти. 10.15 «Ота-оналар, Сизлар учун». 10.45 «Тонгги почта». Музикали программа. 11.15 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик». 11.45 Болалар учун. «Граф ҳаробазорларида». Бадиий фильм. 12.50 «Москвичка». Телевизион клуб. 13.50 «Адабий суҳбатлар». 14.40 «Спортлото» тиражи. 14.55 «Здоровье». Илмий-оммабоп программа. 15.40 «Музикали абонемент». Программада Н. Метнер, А. Рубинштейн, Н. Мясковский, И. Стравинский асарлари. 16.10 «Ҳамдўстлик». Телевизион журнал. 16.45 «Олимпиада-80». 17.30 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».

18.30 Янгиликлар. 18.45 «Қушлар байрами». Мультфильм. 19.00 «Ёшлар ва студентларнинг Гаванадаги XI жаҳон фестивалида». 19.45 Ж. Россини. Операларга ёзилган увертюралар. Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг симфоник оркестри ижро этади. 20.15 Л. Н. Толстой туғилган кунининг 150 йиллигига. «Кавказ асири». Телевизион бадиий фильм. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Ёшлар ва студентларнинг XI жаҳон фестивалида». Ёшлар карнавали. Гаванадан олиб кўрсатилади. 23.30 Янгиликлар.

Узбекистон телевиденнесининг программаси

9.35 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Самарқанд қишлоқ хўжалик институти бадиий ҳаваскорлик коллективи ижро этади. 10.50 Телевизион миниатюралар театри. 11.30 «Ўзбекистон спорти» (рус.). 12.00 «Романтика» телевизион театри. Н. Мирошниченко. «Учинчи авлод». 1-қисм. 13.30 Бутуниттифоқ Темирйўлчилар кунига. «Туганмас манба». Телевизион ҳужжатли фильм. 13.45 «Кинокўзгудаги ҳаёт» (рус.).

17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.35 «Малахит қутиси». Болалар учун мультфильм. 17.55 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат ғунчалари». 18.25 «Ёшлик» студияси кўрсатади. Курск ёйидаги жангнинг 35 йиллигига. «Ўлмас жасорат» (рус.). 18.55 Телетомошабинларнинг саволларига халқаро масалалар бўйича шарҳловчи жавоб беради. 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Қизлар даврасн». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Ўзбекистон ССР халқ артисти Ҳабиба Охунова концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Ўзоқ парвариши илғорларига тенгланишинг!». 22.15 «Телевидение экранида биринчи марта». «Қора қисқичбақа панжасида». Бадиий фильм. 23.40 Кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевиденнесининг программаси

17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.35 Болалар учун фильм. 18.05 «Ғунчахон санъат». Болалар учун концерт. 18.25 «Кинокамера билан саёҳат». 19.25 «Новости» информацион программаси. 19.40 Адабий кўрсатув. 20.05 «Аҳбор» информацион программаси. 20.30 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Помир» (Душанба)— «Карпати» (Львов). 2-тайм. 21.15 Ҳужжатли фильм. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Дружба». Концерт. С. Айний номли Бухоро музикали драма театри артистлари, Тожикистон телевидениеси ва радиосининг солистлари ижро этадилар. 23.05 Душанба кўрсатувларининг охири.

6 АВГУСТ — ЯКШАНБА

БУТУНИТТИФОҚ ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР КУНИ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 «Зарядкага сафланинг!». 9.50 Единецк «Чокирлия» Маданият уйи халқ чолғу оркестрининг концерти. Кишинёвдан олиб кўрсатилади. 10.20 «Будильник». 10.50 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 11.50 Болалар учун. «Ўн беш ёшли капитан». Бадиий фильм. 13.10 «Қишлоқ янгиликлари». «КПСС Марказий Комитети июль (1978 й.) Пленуми қарорлари — ҳаётга!». 14.10 «Музикали киоск». 14.40 «Театр спектакли». Г. Ибсен. «Арвоҳ». ССР Иттифоқи Давлат академик Малий театрининг фильм-спектакли.

17.40 «Халқаро панорама». 17.30 «Бугун — Бутуниттифоқ темирйўлчилар куни». ССР Йўллар министри И. Г. Павловский сўзи. 17.45 Бутуниттифоқ темирйўлчилар кунига бағишланган концерт. Давлат Марказий концерт залидан олиб кўрсатилади. 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Робинзон Кузя». Мультфильм. 19.00 «Киносаёҳатчилар клуби». 20.00 «1978 йил қўшиқлари». 20.30 Ёшлар ва студентларнинг Гаванадаги XI жаҳон фестивалининг ёпилиши (давоми). 23.15 Янгиликлар.

Узбекистон телевиденнесининг программаси

9.35 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Тожикистон телевидениеси ва радиосининг солистлари А. Ҳошимов ва А. Солиев ижро этадилар. 10.50 «Нафосат оламида». «Ўзбекистон тасвирий санъати усталари». 11.20 «Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун» (рус.). 12.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар». 13.00 «Бепоён Ватаним менинг». «Тошкент билан учрашув». Ҳужжатли фильм премьераси. 13.10 «Романтика» телевизион театри. Н. Мирошниченко. «Учинчи авлод». 2-қисм. 14.45 «Тошкент саёҳат ва экскурсиялар бюроси таклиф этади».

17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.35 «Чироқ». Болалар учун мультфильм. 17.45 «Малишок» программаси. 18.15 «Бугун — Бутуниттифоқ темирйўлчилар куни», «Пўлат қанотларда». 18.35 «Оила гурунги». 19.10 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.25 «Биз — ватанпарвар, интернационалистлармиз». Концерт. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Телевизион миниатюралар театри. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари — ҳаётга!». «Чорвадор» программаси. 22.15 «Биз — Фарғонаданмиз». Фарғона область бадиий ҳаваскорлик коллективларининг телевизион фестивали. Кўрсатувда Ўзбекистон КП Фарғона область комитетининг секретари Р. У. Қосимова иштирок этади. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

Қирғизистон телевиденнесининг программаси

17.00 Кўрсатувлар программаси. 17.05 «Экран — болаларга». 17.15 «Телеграммалар... телеграммалар... телеграммалар...». Фильмревю. 18.20 Телефильм. 18.40 «Новинки» киноклуби. 20.00 Бутуниттифоқ Темирйўлчилар кунига бағишланган концерт. 20.45 «Сенинг ички дунёнинг, замондошим». (қирғиз тилида). 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси 22.00 Фрунзе кўрсатувларининг охири.

* РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА *

КИНО

29 ИЮЛДА

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — **Эй, бахтли инсон** (19.00).

Муҳаббат — бу ҳаётдир — «ЧАЙКА» (19, 21.30), «ДРУЖБА» (20.00), «ҚОЗОҒИСТОН» (20.00).

Сўнгги отишма — «ДРУЖБА» (19, 21.00). ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ номли (18, 20.30, 21.00), «ҚОЗОҒИСТОН» (19, 21.00).

Есенин — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛ. ЛИГИ» (тоқ соатларда, кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

Ачиган вино — «ХИВА» (20.30, 22.30).

Тошкент область, Пскент районидаги 19-мактаб томонидан **Илязов Дамуршо** номига берилган 653183 номерли йўлқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент область, Оҳангарон районидаги 38-мактаб томонидан **Имомова Башорат** номига берилган 652778 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Чизмачи-картограф ва картограф-гравёрлар тайёрлайдиган 10 ОЙЛИК КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Курсларга 8—10 синф ҳажмида маълумотли тошкентлик қизлар қабул қилинади.

Стипендия — 40 сўм.

Машғулотлар группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Орифов кўчаси (олдинги Халқобод кўчаси). 8-уй (9, 19, 24, 51, 60, 72, 69-автобуслар, 2, 3, 16, 22, 23, 25, 28, 29-трамвайларнинг «Қозоғистон» кинотеатри» бекати).

Ленин, Октябрь революцияси ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси базасидаги

182-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978—79 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Автомобиллар ремонти бўйича слесарь, дурадгор, суворқи-бўёқчи, ғишт терувчи, слесарь-сантехник; бульдозер, скрейпер, прицепли грейдер машинисти.

Билим юртига 8—10-синф маълумотидаги 15 га тўлган ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 1—3 йил.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланади.

Билим юртини тугатганларга эгаллаб чиққан мутахассислиги бўйича диплом ва ўрта маълумот ҳақидаги (уч йил таълим олувчилари учун) аттестат топширилади.

Билим юртини тугатганлар В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга юборилади.

Билим юртини аъло баҳолар билан тамомлаганлар олий ўқув юртларининг сиртқи ва кечки бўлимларига, техникумларга конкурссиз қабул қилинадилар.

Ўқиш даврида ўқувчилар уч маҳал бепул овқат, форма, шунингдек, ишлаб чиқариш практикаси вақтида иш ҳақининг бир қисми билан таъминланадилар.

Ўқиш муддати доимий меҳнат стажига киради.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларнинг бўлиши шарт: директор номига ариза, автобиография, маълумот ҳақидаги ҳужжат, паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, ҳарбий хизматга чақирилиш қоғози ёки ҳарбий билет, медицина справкаси (286-форма), яшаш жойидан, ота-онасининг иш жойидан справка, 6 та фотосурат (4х5 см. ҳажмида), меҳнат дафтарчаси (ишловчилар учун).

Қабул комиссияси ҳар куни (якшанбадан ташқари) эрталаб соат 9.00 дан 17.00 гача ишлайди.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳар, Куйбишев район, Багратион кўчаси 4-уй (17, 73-автобусларнинг «12-турар жой шаҳарчаси» бекати, 22-трамвайнинг «2-Шимоли-Шарқ» бекати).

Узбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими давлат комитети

ЛЕНИН, ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ВА МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ В. П. ЧКАЛОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ҚОШИДАГИ

С. И. КАДИШЕВ НОМЛИ 166-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978—1979 ўқув йили учун ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Металлар бўйича универсал токарлар ва универсал фрезерчилар, ўчиш аппаратларини йиғувчи слесарлар, механика-йиғувчишлари бўйича слесарлар, дурадгорлар, тунука ва инструментлар бўйича слесарлар.

Ўқиш муддати — 3 йил.

ЎҚИШГА 8- СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, ШАҲАРЛИК ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Шаҳарнинг чекка қисмидан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртини битирганлар ўрта маълумот ҳақида аттестат ва касблари ҳақида диплом ва В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаш учун йўлланма оладилар.

Билим юртини аъло баҳо билан битирганлар олий ўқув юртлари ва техникумларнинг сиртқи ва кечки бўлимларига конкурсдан ташқари қабул қилинадилар.

Билим юртида ўқишлар техника воситалари билан жиҳозланган фан кабинетларида ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқиш даврида ўқувчилар заводдан бернладиган имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртида спорт секциялари ва авиамоделчилар, фото, радио ҳамда бадиий ҳаваскорлик тўгараклари мавжуд.

Ўқувчиларнинг дам олишлари учун Чимён атрофида махсус дам олиш лагери бор.

Шунингдек, ўқувчилар бепул уч маҳал иссиқ овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Ўқувчилар ишлаб чиқариш практикасида ишлаган иш ҳақининг бир қисмини оладилар.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: ариза, гаржимаи ҳоли, 8-синфни тугатганлиги ҳақидаги гувоҳнома, паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, 286-формадаги медицина справкаси, турар жойидан справка. 4х5 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри. Ҳамза райони, Генерал Петров кўчаси, 331-уй 29-трамвай ва 30-автобуснинг «Валихонов кўчаси». 8, 48, 21, 80-автобусларнинг «4-турар жой шаҳарчаси» бекатлари).

Телевизор экранида

29 ИЮЛЬ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.05 «Ҳайвонот оламида». 18.05 «1978 йил қўшиқлари». 18.30 Янгиликлар. 18.45 «9-студия». Кўрсатувни В. С. Зорин олиб боради. Кўрсатувда КПСС Марказий Комитети халқаро бўлими мудирининг биринчи ўринбосари В. В. Загладин, КПСС Марказий Комитети бўлими маслаҳатчилар группасининг раҳбари Н. В. Шишлин иштирок этади. 19.45 Гаванада ўтказиладиган ёшлар ва студентлар XI жаҳон фестивалининг очилиши. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Ёшлар ва студентлар XI жаҳон фестивали қатнашчиларининг спорт байрами ва концерт. Гаванадан олиб кўрсатилади 24.00 Янгиликлар.

Узбекистон телевиденнесининг программаси

17.35 Кўрсатувлар программаси. 17.40 Мактаб ўқувчилари учун. «Камалак». 18.10 РСДРП II съездининг 75 йиллигига. «Ленин тузган партия». В. И. Ленин номли Марказий музейининг Тошкент филиалидан репортаж. 18.35 «Советский воин». Тележурнал. 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Орзу билан». Лирик концерт. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ҳамза номли республика Давлат мукофотининг лауреати Отажон Худойшукуров ва Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Мўътабар Йўлдошева концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари — ҳаётга!». «Ноз-неъмат бунёдкори». 22.15 «Бугдойзорлар оралаб». Бадиий фильм. 23.30 Биринчи лига командалари ўртасида чим устида хоккей бўйича СССР чемпионати. «Политехник» (Тошкент)— «Химик» (Фарғона). «Политотдел» колхозининг стадионидан репортаж (ёзиб олинган). 24.00 Кўрсатувлар программаси.

30 ИЮЛЬ — ЯКШАНБА

СССР ҲАРБИЙ-ДЕНГИЗ ФЛОТИ КУНИ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 «Зарядкага сафланинг!». 10.00 «Будильник». 10.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 11.30 Болалар учун. «Домино». Телевизион бадиий фильм. 12.30 Ёшлар ва студентларнинг XI жаҳон фестивалида. «Куба ёшлари» кўргазмаси». Гаванадан олиб кўрсатилади. 13.30 «Қишлоқ янгиликлари». «КПСС Марказий Комитети июль (1978 й.) Пленуми қарорлари — ҳаётга!». 14.00 «Музикали киоск». 14.30 «Бугун — СССР Ҳарбий-Денгиз Флоти куни». Ҳарбий-Денгиз Флоти Бош штабининг бошлиғи, флот адмирали Г. М. Егоров сўзи. 14.45 «Театр спектакли». В. Лавренев. «Разлом». М. Н. Ермолова номли Москва театрининг фильм-спектакли. 17.00 «Халқаро панорама».

17.45 «Бугун — РСДРП II съезди очилган кунга 75 йил тўлади». «Янги типдаги партия». 18.15 «Алангали йиллар қўшиқлари». Концерт. 18.30 Янгиликлар. 18.40 Спидвей бўйича жаҳон чемпионати. Ленинграддан олиб кўрсатилади. 19.15 «Киносаёҳатчилар клуби». 20.15 СССР Ҳарбий-Денгиз Флоти кунига бағишланган концерт. Совет Армияси Марказий уйидан олиб кўрсатилади. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «ДИНАМО» (Тбилиси) — «Динамо» (Москва). Тбилисидан олиб кўрсатилади. 23.45 Янгиликлар.

Узбекистон телевиденнесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Биз — ватанпарвар интернационалистлармиз». Концерт. 11.15 «Бепоён Ватаним менинг». «Элканлар кўтарилган шаҳар». Телевизион ҳужжатли фильм. 11.30 Абитуриентларнинг саволларига Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги олий ўқув юртлари бошқармасининг бошлиғи Э. К. Қосимов жавоб беради. 12.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар». 13.00 «Қуёшли ўлка маршрутлари бўйлаб» (рус.). 13.25 «Манзил томон етаяпман». Бадиий фильм. 14.45 «Шахмат мактаби». 15.15 Реклама.

17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.35 Болалар учун. «Ўйлаб топ!» (рус.). 18.05 Халқаро шаҳрдошлар даврасида. 18.35 «Юморески» телевизион театри. «Оила жанжали». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 М. Горький номли Фарғона музикали драма театри артистларининг концерти. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Хизмат кўрсатган Давлат «Ялла» вокал-чолғу ансамбли ижро этади. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Ғўза парвариши илғорларига тенглашинг». 22.15 «Онтарио соҳилида бўлган воқеа». Бадиий фильм. 23.40 Кўрсатувлар программаси.

Қирғизистон телевиденнесининг программаси

17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.35 «Экран — болаларга». 18.10 «Фақат денгиз». Фильм-концерт. 18.40 В. Шукшин. «Характерлар». В. Маяковский номли Душанба рус драма театрининг спектакли. 20.40 «Мурас» (қирғиз тилида). 21.30 Фрунзе кўрсатувларининг охири.

«Ташхозкультторг» коллективи кекса савдо ходими **Файзулла Убайдуллаевич РАСУЛОВ**нинг вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

4 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

29 ИЮЛЬ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000;